

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**OLIY VA O`RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ZAHIRIDDIN`MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI**

**ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

**«Tasdiqlayman»**
**O‘quv ishlari bo‘yicha prorektor**
**________ A.Sh.Mamatyusupov**

**5A110902 – PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA YO`NALYSHI**

**BITIRUVCHISI UZAQOVA MUXARRAMNING**

**“O’SMIRLARDA DESTRUKTIV XULQ KO’RINISHLARINI SHAKLLANISHI PSIXOLOGIK DIAGNOSTIKASI VA KORREKSIYASI”**

**mavzusidagi**

# MAGISTRLIK DISSERTATSIYASI



**Ish ko‘rib chiqildi va himoyaga tavsiya etildi**

**Psixologiya kafedrasi mudiri:**

**Ilmiy rahbar:**
**__________p.f.n. T.Suleymanova**

**__________ dotsent M.Xalimova**

**ANDIJON – 2016**

**Режа**

**I-БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ КЎРИНИШЛАРИ МУАММОСИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАНИШИ**

2.1. Ўсмирлик даврида деструктив хулқ кўринишлари муаммосини ўрганилганлик холати.

1.2. Деструктив хулқ-атворли ўсмирлар ижтимоий-психологик диагностикаси хусусиятлари.

1.3. Девиант хулқли ўсмирлар шахсий ривожланиши ва хулқ-атворининг психологик коррекцияси.

**II-БОБ. ЎСМИРЛАР ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ КЎРИНИШЛАРИ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФНОМАСИ.**

**2.**1. Деструктив хулқли ўсмирларнинг ёшига ва ижтимоий-психологик ҳолатларига оид хусусиятлари.

2.2. Ўсмирлик даврида девиант хулқ-атворнинг деструктивликни келтириб чиқарувчи психологик хусусиятлари

2.3. Ўсмирларда деликвент хулқ кўринишлари намоён бўлиши

2.4. Агрессия -ўсмир шахсида деструктив хулқ турларини шакллантирувчи омил сифатида

**III-БОБ. ЎСМИРЛАРДА ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ КЎРИНИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

3.1. Тадқиқотнинг бориши

3.2. Ўсмирларда дестркутив хулқ кўринишларини олдини олиш психологик профилактикаси

**Хулоса.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

# КИРИШ

**Муаммонинг долзарблиги:**

Президентимиз томонидан мустақилликдан сўнг таъсис этилган биринчи давлат нишони “Соғлом авлод” ордени бўлди. 2016 йилни мамлакатимизда “Соғлом она ва соғлом бола  авлод йили” деб эълон қилингани ҳам  бежиз эмас. Чунки мустақил давлатмизнинг эртанги куни, унинг тараққиёти кўп жиҳатдан ўсиб келаётган авлодни соғлом бўлишига, оналик ва болаликнинг қандай муҳофаза қилинишига боғлиқдир. Бу ўз навбатида Ватанимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақазо этади.

Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистоннинг янги кишисини тарбиялаш давр талабидир.

Ўсмирлик даврида деструктив хулқ кўринишлари психологик диагностикаси ва коррекцияси мавзуси назарий ва амалий жихатдан долзарб бўлган муаммолар сарасига киради

Ўсмирлар деструктив хулқ кўринишлари  муаммоси бўйича психологик адабиётлар тахлили асосида  ўсмирлик даврида турли экстремал вазиятларга нисбатан ўта сезгирлигини қайд этганда ушбу вазиятларга нисбатан ноадекват реакцияни турли ижтимоий муносабатлар жараёнида юзга келишини  кузатилгин.  Ушбу муносабатлар позитив характерда: бадиий техник,илмий ижодий ва хоказо. Негатив  ичкилик ,наркомания, дайдилик ўз жонига қасд қилиш каби салбий хулқ кўринишларини намоён бўлишига олиб келади.Ўсмирлар томонидан ахборотларни идрок этишда уларнинг тенгдошлари ,видеофильмлар, реклама роликлари ва бошқа ахборот каналлари орқали олинган турли тоифадаги ахборотларга нисбатан ўз ватида психологик профилактика тадбирларини ўтказилмаганлиги уларда деструктив ҳулқ кўринишларини шаклланишига олиб келади

**Муаммонинг ўрганилганлик холати:**

Илмий адабиётларда деструктив характерга эга бўлган девиациялар психологик (А.Е. Личко, В.С. Битенский), шахсий (В.Д. Менделевич, К.С. Лисецкий, С.В.Березин) ижтимоий (Дж.А. Соломзес, В. Чеурсан, Г. Соколовский),тиббий (Н.Н. Иванец, М.А. Винникова).муаммо сифатида кўрилади. Анциферова Л.И., Ахромова А. Г.лар дестркутив хулқли ўсмирларга жиноят мотивациясининг ўзгарувчанлиги хослигини таъкидлайдилар. Бу хулқ турида агрессивлик,бешавқатлик,маълум бир маконни назорат қилишга интилиш,хасад хислари ўрнаша боради

Ўзбек психолог олимларидан М Г Давлетшин,Ғ Шоумаров , Т Туляганова, Г самаров вабошқалар ўсмирлик даврида тарбияси қийинлик ва деструктив хулқ муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон Давлат университети психологиякафедраси илмий тадқиқот ишлари режалари,Андижон вилояти “Оила” илмий-амалий Марказининг истиқболли режалари ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг амалга оширилиши борасида олиб бораётган бир қатор илмий тадқиқотлар режалари билан узвий боғликдир. **Диссератацион тадқиқотнинг илмий методологик асосини**, Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонунини. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Президентимиз И А Каримовнинг баркамол авлод тарбияси борасидаги ғоялари, хамда бевосита мулоқот пайтида инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ва тил топишишининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги назарий ва амалий ёндашувлар , рус психологлари Выготский Л.С.; Леонтьев А.Н.олий психик функцияларни мураккаб бошқарув жараёни сифатидаги назариялари , Лурия А.Р. ва Рубинштейн С.Лларнинг ., шахсдаги ,интеллектуал аффектив жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги назариялари А.А. Бодалев Г.М. Андреева В. Брудний, А.И. Донцов, Т.Б.Маматқулов, Х.Т.Икрамов, Ш.Иномжонов, ГҚ Туляганова,. Д.Т.Саидов ва бошқаларнинг тадқиқиот мавзуи бўйича изланишлари ташкил қилади

**Диссертацион тадқиқот мақсади:** -Ўсмирлар ўртасида деструктив хулқ кўринишлари психологик диагностика ва коррекция методаларини таснифлаш

**Диссертацион тадқиқот вазифалари:** -Ўсмирларда деструктив хулқ кўринишларини психологик диагностикаси ва коррекцияси муаммоси бўйича илмий психологик адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари материалларини ўрганиш, амалий тавсияларни асослаш .

-Ўсмирларда деструктив хулқ кўринишларини намоён бўлишига сабаб бўлувчи девиант ,деликвент, агрресив кўринишларини назарий таснифлаш;

-Ўсмирларда деструктив хулқ кўринишлари психологик диагностика ва коррекция усуллаларини ўрганиш

-Ўсмирликда деструктив хулқ кўринишларини психологик диагностикаси асосида коррекцион машғулотлар олиб бориш

**Илмий тадқиқотнинг объекти:** 13 – 15 ёшдаги психологик диагностика жараёнида деструктив хулқга мойиллиги аниқланган 20 нафар ўсмир тажриба гурухининг аъзолари ва 20 нафар деструктив хулқга мойиллик аниқланмаган назорат гурухи ўсмирлари ташкил этди.

**Илмий тадқиқотнинг предмети** – Ўсмиирларда деструктив хулқ кўриншларини психологик диагностикаси ва коррекцияси методларини ўрганишдир

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Ўсмирлар деструктив хулқ кўрииншлари психологик диагностикаси ва коррекцияси тадбирларни мувоффақиятли амалга оширилиши мумкин агар :

–ўсмирнинг психологик ва педагогик хусусиятлари, оилавий тарбия усулларини билиш билан ўзаро алоқадорликда ўрганилса.

–Деструктив хулқ ҳақиқий мотив ва мақсадларини аниқлаш асосида ташкил этилса

–Ўсмирлар деструктив хулқга муқобил бўлган хулқий кўринишларни афзалликлари етарли даражада тушунтирилса

–Ўсмирларда ижобий ижтимоий фаоллик шакллантирилса

–Ўсмирларда ўз соғлиги ва келажаги учун масъуллик хиссини келтириб чиқарувчи иродавий хусусиятлар шакллантирлса

**Тадқиқот методлари:**

1. Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий психологик педагогик адабиётлар ,оммавий ахборот воситалари материаллари ўрганиш
2. Сухбат.
3. Кузатиш.
4. Ўсмирларда девиант хулқ кўринишларини аниқлаш сўровномаси.
5. А.Е. Личконинг Патохарактерологик диагностик сўровномаси.
6. Агрессия даражасини аниқлаш бўйича Басса-Дарка сўровномаси.
7. Контент тахлил.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар**:

1. Ўсмирларда деструктив хулқ кўриншлари унинг ёш ва индивидуал хсусиятлари. Хавотирланиш даражаси,агрессия ўз-ўзига бахо бериш характер акцентуацияси холатлари деструктив хулқ кўриншларини намоён бўлиши сабабларидан бири саналади.
2. Ўсмирларда деструктив хулқ кўринишларини психологик диагностикаси ва коррекцияси мавзуси долзарб бўлиб, психолог психиатр , педагоглар ,оила ва махалланинг ўзаро яқин хамкорлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ .
3. Ўсмирларда деструктив хулқ психологик профилактикаси жараёнида улардаги шахсидаги ижобий қирраларни ривожлантирш, ўз хаёти ва соғлигига нисбатан масъулият хиссини таркиб топтириш, келажак истиқболли режаларни тузиш ва уларга интилишда ўз куч ва қобилиятларига ишониш каби шахс хусусиятларини таркиб топиши асосида амалга оширилади.
4. ,Ўсмирларда деструктив хулқ кўринишлари намоён бўлишини олдин олиш бевосита ижтимоий адаптация даражасини юксалтириш, психологик

химоя механизмларини фаоллаштириш асосида ташкил этилиши профилактик чора тадбирлар самарасини оширади.

**Муаммонинг назарий жихати** деструктив хулқ кўринишларини диагностикаси ва коррекцияси методларини қўлланилиши сохаларидаги натижалар самараси аниқланишига қаратилади

**Муаммонинг амалий жихати** деструктив хулқ кўринишлари статистик маълумотлари тахлилида ўсмир ёшлар ўртасида жарохатланиш турли касалликлар[ асаб психик жарохатланишлар]суицидал хулқ кўриншларини намоён бўлиши, жиноий жавобгарликларга тортилиш холатлари кўпайиб бормоқдалигини кузатишимиз мумкин

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги** Диссертацион тадқиқот жараёнида олиб борлган диагностик ва коррекцион ишлар ўсмирларда деструктив хулқ кўриншлари психологик профилактикаси ташкил этишда илми методологик амалий ёндошувлар мажмуини ёритилганлигида акс этади

**Тадқиқот босқичлари** Тадқиқот иши 2015-2016 йиллар давомида олиб брилиб 4 босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда ўсмирлик даврида деструктив хулқ кўринишларини муаммоси бўйича замоанвий илмий методик психологик адабиётлар тахлили ўтказилди аниқловчи ва шакллантирувчи эксперимент методикалари ,ўтказилиш вақти аниқланди

Иккинчи босқичда ўсмирларнинг хулқий хусусиятлари ўрганилди Белгиланган профилактик ва коррекцион дастурларга ўзгаришлар киритилди.аниқловчи эксперимент натижалари умумлаштирилди.

Учинчи босқичда Аниқловчи эксперимент натижалариўрганилган холда корекцион ишлар олиб борилди Ўқитувчилар ва ота оналар билан эксперимент натажалари тўғрисида сухбат олиб борилди.

Тўртинчи босқичда амалий тавсиялар келтирилди.

**Диссертация ишининг ҳажми:** Дисертация иши 80 сахифа, 3боб 7 банддан иборат.

## I-БОБ ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ КЎРИНИШЛАРИ МУАММОСИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАНИШИ.

2.1. Ўсмирлик даврида деструктив хулқ кўринишлари муаммосини ўрганилганлик холати

Инсон хулқида жамиятда қабул қилинган меъёр ва мезонлар ижтимоий тараққиёт жараёнида шаклланган , ижтимоий тараққиёт омилларидан бирига айлангандир. Ушбу меъёр ва мезонлар нафақат ижтимоий барқарорликка ,балки индивиднинг ўзини ҳам рухий баркрорлик ва тараққиёти учун зарурдир. Жамиятда ахлоқий маънавий маданий хулқ кўриншлари шаклланиш , ушбу талабалар даражасидан оғиш масалалари қадимдан алломаларимиз томонидан алохида эътибор бериб келинган

Ахлоқий меъёрлардан оғиш муаммолари, Абу Наср Ал Форобийнинг «Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шаҳри» сингари асарларида кўтарилган. Аллома ўз қағ рашларида фазилатга жуда катта ўрин беради. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки қисмга ғ фозоил нутқия [ ақлғидрокка асосғ ланган фазилатлар] ва фазоил хулқия [ хулқий фазилатлар]га ажрағ тади ҳамда уларнинг ўрталик хусусиятларини таъкидлаб ўтади. Буюк ватандошимизнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хаттиғҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади.

Яна бир шарқ алломаси Абу Райҳон Беруний ўз асарларида инсонлар ва халқларнинг ижобий ёки салбий урфғодатлари, хулқғатворининг шаклланишида табиий муҳитнинг ҳамда жуғрофий омилларнинг аҳамиятини кўрсатиб берди. Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари асосан «Ахлоқ илмига доир рисола», «Бурч тўғрисида рисола», «Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола», «Адолат ҳақида киғ тоб», «Турар жойлардаги тадбирлар”сингари асарларида ва ўз за

мондошлари билан олиб борган мунозарағёзишмаларида ўз аксини топган Юсуф Хос Ҳожиб томонидан инсон хулқ атворига нисбатан ўзига хос ёндашувдаяхши хулқ ҳам, ёмон хулқ ҳам, икки хил бўлиши мумкин: туғма ва ижтимоий муҳит натижасида шаклланган хулқ. Юсуф Хос Ҳожиб ахлоқий-фалсафий қарашлари

бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган, чунки у умуминсоний,маънавий негизларни ўргатади. Алломанинг ўгитларига таянган ҳолда биз ҳам ёш авлодни

шундай руҳда тарбиялашимиз лозим. Зеро, жамиятда ахлоқ одоб йўқолса жамиятда маънавий жиҳатдан камбағал инсонлар оммаси вужудга келади Хитой файласуфи Сюньзақ ва қадимги юнон файласуфи Афлотун инсонда бузғунчилик сари ундовчи хусусиятлар мавжуд эканлиги таъкидлаганлар.

Инсондаги деструктив хулқ табиати хозирга қадар психология фанида хали яхши ўрганилмаган муаммолардан бири саналади Бу муаммо 20 асрнинг ўрталарида шаклланган.

**Деструктив хулқ— жамиятда қабул қилинган ижтимоий хулқ кўринишларига зид бўлган,ҳар қандай муқобил фикрларни инкор этишга йўналтирилган хулқ кўринишлари.**

Деструктив хулқ нафақат инсонда маълум бир ижтимоий муаммоларни,балки унинг жисмоний соғлигида ҳам муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Деструктив хулқ 2 асосий турларда намоён бўлади [ 21,27]

1. Делинквент тур —жамиятда қабул қилинган ижтимоий хуқуқий меъёрларга крама қарши бўлган хатти — ҳаракатларга хулқнинг ийўналганлиги[ маиший оилавий низолар,йўл транспорт ходисалари,қўполлик…]

2. Девиант тур —жамиятда қабул қилиинган ахлоқий меъёрларга қарама —қарши хулқиё кўри ншларни намоён этиш [ алкоголизм,суицид наркомания…]мехр мухаббатга эга бўлмаганлиги.

Деструктив хулқнинг барча кўринишларида инесоннинг маълум бир химоя реакциялари сифатида юзага келса да бироқ нерв системасида бузилишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.Деструктив хулқ болаликдаги салбий эмоционал кечинмалар,ота онанинг болага нисбатан эмоционал совуққонлиги натижасида зарур вақтларда улардан етарли даражада мехр мухаббатга эга бўлмаганлиги, наслий омиллар бўлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари қуйидаги сабаблар ҳам алохида эътибор талаб қилади:

- Психик соғломлик холати хаёт давомида қўзғовчи омиллар таъсирида ўзгариб туриши мумкин
- Жисмоний соғломлик холати Хаёт давомида кескин ёмонлашиш мумкин натижада инсон хеч қандай қонун қоидаларга бўйсунишни хохламай қолади
- Касбий сохада мувоффақиятсизликлар Бу холатларда инсон ўзининг нотўкислигини , қўйилган талабаларга жавоб бера олмаслигини хис этади

Натижада ўз ўзига бахо бериш даражаси пасаяди, ижтимоий мавқеини йўқотади ,ўзига билдирилган эътирозларни адолатсиз деб қабул қилади.

- Маиший моддий муаммолар.
- Алкогол ёки наркотик моддаларни истемол қилиш.

3. Фрейд инсон хулқига 2 асосий инстинкт : Эрос – хаёт иснтинкти ундаги қувват [ [ «либидо»] хаётни сақлаш , қайта тиклаш га йўналтиради ва Танатос – ўлим инстикти ,ундаги қувват хаётни вайрон қилиш ва тўхтатишга йўналтиради [ суицид] Танатос асосини Фрейд барча биологик хаёт фармалари учун умумий бўлган биологик механизм ташкил этади дебхисоблаган ҳар бир организм ўзидаги асабий қўзғолувчанликни имкон қадар пасайтиришга харакат қилади ўлим барча ички қўзғолувчанликни умуман йўқотади ,шунинг учун барча тирик организмлар ўлимга интиладилар Лекин организмнинг мутлақ осойишталикка интилишига хаёт инстинкти қаршилик кўрсатади Фрейд бўйича инсон хулқи ушбу икки инстиктнинг ўзаро муносабатлари натижасида шаклланади Деструктив хулқ барча инсонлар учун хосдир 2 айрим инсонларда бу хулқ шунчалик кучли ки уарнинг жамиятдаги ўрнини ва хулқини белгилайди Фрейд бўйича инсондаги

деструкти қувватга нисбатан беътибор бўлиб бўлмайди Агар Тнатос қувати ташқарига йўналтирилмаса индивиднинг ўзини халок қилиши мумкин Деструктив қаватни вайрон қилувчи харакатлар билан боғлиқ бўлмаган катарсис –экспрессив харакатлар тшқинлик қилиши мумкин.

Фрейд таълимотини таниқли психолог ва психотерапевт Э. Берн қўллаб қувватлайди .Лекин ушбу тадқиқиотчилар фақат деструктив хулқ кўринишларини чуқур тахлил қилмаган холади деструктив тенденцияларни таъкидлайдилар.

Е.В Змановская 3 турдаги хулқий оғишларни келтиради: антисоциал (делинквент), асоциальное (аморал), аутодеструктив (ўз –ўзини вайрон қилувчи).

Сидоров Н.Р. девиант хулқ сифвтидв индивиднинг шахслараро муносабатларини мунтазам бузишга қаратилган "турғун деструктив "хулқ кўриниши деб бахолайди Ўсмирлар жиноятчилигини ўрганган психолог А.И.Долгованинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарлик қилишдан аввал ўсмирни хулқ атворида меъёрдан кескин чекинишлар бўлиб ўтади. Муаллиф девиант хулқли ўсмирлар учун хос бўлган 2 тоифа меъёрий чекинишларни ажратиб кўрсатган:

• зўрма зўраки ва худбинона тоифадаги ўсмирлар ўзини кучли, ҳозиржавоб, тенгдошларига ёрдамга шай қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Аммо бундай тоифа ўсмирларнинг ҳақиқат ҳақидаги хулосаси жиноятчи хулосадир. Улар характерида худбинлик, золимлик, жисмоний кучга ишониш, ноанъанавий гуруҳларни ёқлаш каби элементлар устувордир.

Аутодеструктив тиббий ва психологик меёрлардан четга чиқувчи шахс яхлитлиги ва тараққиётига тахдид қилувчи хулқ кўринишларини киритади,: суицидал хулқ,овқатга тобелик,фармокологик моддаларга нисбатан тобелик , фанатик тобелик,хаёт учун хавфли бўлган фаолиятга интилиш (спротнинг экастремал турлари).

Деструктивлик йўналишига кўра Змановская қуйидаги таснифни киритади

антисоциал (фаол ғдеструктив)

– просоциал (нисбатан деструктив , маълум бир маънода антисоциал ижтимоий нормаларга мослашаган)

– асоциал (пассивдеструктив)

–ўз–ўзини вайрон қилувчи (пассиваутодеструктив)

– ўз ўзини ўлдирувчи (активаутодеструктив).

Айрим тадқиқотчилар деструктивликни ижодиёт билан алоқасини таъкидлайдилар

Масалан В.Н. Дружинин деструктивликни 2 турини ажратади: 1]ижодий хулқ,янги мухитни яратувчи

2]Бузғунчи– дезадаптив хулқ атрофдаги мухитни вайрон қилувчи Ижодиёт ва деструктивликни ўзаро умумийлиги шундаки инсон табиатдан ва атрофдаги ижтимоий мухитдан ажралиб бегоналашиб қолади

Б. Карлоф ҳар бир ижодий актда ижодий элементи борлигини таъкидлайди ва 2 турдаги деструктив хулқни фақрлайди:

адаптив,инсондаги мавжуд имкониятлар билан боғлиқ креатив, яратувчи – бузғунчи]

Десструктив хулқ муаммоси билан таниқли америка оими Э Фромм шуғулулланган Ўзининг «Эркинликдан қочиш», «Инсон деструктивлиги анатомияси» асарларида ушбу муаммонинг ижтимоий маданий детерминантларига алоҳида эътиборини қаратган

Польшалик психолог Ю. Козелецкий фикрича ҳар бир инсонга «трансгрессия» –инсоннинг хозир эга бўлган кўрсаткичлари натижаларига қониқмасдан , янада кўпроқ натижаларга эга бўлишга интилиши ташкил қилади. Ю. Козелецкий конструктив,яратувчи трансгрессия –ижодийлик ва деструктив аввалгиларни йўқотишга қаратилган трансгрессияни фарқлайди

Д.И.Фельдштейннинг фикрича, девиант ўсмирлар ижтимоий суст, тажоввузкор, қизиққон, қўпол, «кўз ёш» тўкишга мойил бўлиб, кўплари алдоқчи, масъулиятсизлиги билан ажралиб туради. И.А.Семикашеванинг изланишлари бўйича бундай гуруҳ қатнашчилари отағонага ўхшаш хислатларга эга бўлиб, алоҳида инсонларни эмас, ўзи мансуб гуруҳни ҳурмат қилади.

Бундай ўсмирлар ўз характерларига масъулият сезмай, омма орасида ҳамғ ма қатори ҳаракатланади.

С.А.Кулаковнинг таъкидлашича, бундай хулқли ўсмирлар психотерапевтларнинг мижозидир, уларга аниқ ташхис қўйилмагандиру, аммо уларнинг кўпгина хислатлари меъёрий жиҳатдан бузилган. Аффектив соҳада ғ бу ҳиссий бўшанғ глик депрессия ва ҳаяжонга тез берилишдир. Маънони талаб қилиш соҳасида эркинлик, ҳимояланганликка бўлган эҳтиёжини ёпиб қўйилиши, референт гуруҳига хос бўлиши, когнитив соҳада хулоса қилишни рад этиш кузатилади.

Н.Ю.Максимованинг тадқиқотларидан шу нарса аниқландики, оғир тарбияли ўсмирларнинг ижтимоий психологик хусусиятларида салбий ҳолатларга олиб келувчи қуйидаги ички сабаблар ҳам бор экан, жумладан: синфдошлар билан мулоқотнинг қийин олиб бориғ лиши, хулқ –атвор меъёрларининг шаклланмаганлиги, ижтимоий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидаларининг қадрини тушунмаслиги, инккор этиш, ўзи атроф оламни бир бутун деб тасаввур этаолмаслиги, педагогларнинг талаб ва таклифларини инобатга олмаслик, ўз-ўзига ўта баланд баҳо бериш, ота-она, ўқитувчи билан келишмаслик оқибатида ижтимоий тўғри ривожланмаслик.

А.Е.Личконинг айтишича, ўсмирларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари шу ёш учун хос бўлган қуйидаги хоссалар билан боғлиқ:

1. Тенгдошлари билан биргаликда гуруҳларга ажралиш. Вақт ўтган сари ўзларига зарар бўлувчи можаро ва саргузаштларга ўралашиб қолишлари. Ачинарлиси, бекорчи ўсмирлар бўш қолиб, кайфиятни кўтариш учун спиртли ичимликларни истеъмол қилиғ ши. Ўсмирлар баъзилари қизиқувчанликдан «катталардек бўлиш», бошқалари эса қолганларидан қолиб кетмаслиги учун ҳам ичишга рўжу қўядилар. Улар нафақат ўғил болалар, балки қизлар ҳам бўладилар

2. Имитация [ ўхшатиш] бу доимо кимгадир тақлид қилишдир. Бундай ўсмирлар ўз тенгдошлари ёхуд катталарнинг хаттиғҳарағ катини такрорлайдилар. Атрофдагилардан бирортаси спиртли ичимғ лик, гиёҳванд

модда истеъмол қилса, унга тақлид қилувчилар кўпаяди. Кўпгина ўсмирлар ўзига “намуна” қилиб кино қаҳрамонини, актёрлар, созандаларни танлайдилар ва уларга тақлид қиладилар. Агарда тақлид қилинаётган қаҳрамон салбий

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Мақсад** | Хақорат,хафа бўлиш | Индивидга ёки у билан боғлиқ бўлган шахслар, нарсаларга зарар етказиш,ғазаб ва нафрат эмоцияларининг намоён бўлиши | Объектлар, тизимлар структурани бузиш. |

қаҳрамон бўлса, унда отаҒона ва педагоглар турли нохушликларга тайёр туришлари даркор. Айниқса, “намуна” учун танланган инсон реал шахс бўлсаҒю, у ичкиҒ

3. ликбоз, гиёҳванд, жиноятчи бўлса, ундан жуда катта кулфатларни кутиш мумкин, чунончи, кўпгина гиёҳвандлар, катта пул кераклигиҒ дан турли жиноятларга ўралашиб қолишади.

4. Инкор реакцияси[ қарама-қарши туйғу]. Ўсмирлар учун хос бўлган туйғу. Хулқнинг қарама-қарши хусусиятлари яқинларининг дил сиёҳлиги, шахсиятни хафа қилиши, талабларнинг бажарилишида намоён бўлади. Қарама-қарши руҳдаги ҳаракатлар кўпинча ота-она, катталарга қаратилган бўлади. Оилада муаммоли вазият юзага келганда, боланинг ички ва ташқи “мени” кичик ёки бўрттирилган ҳуқуқбузарликлар билан намоён бўлади. Бундай исҒ ёнкорлик руҳидаги ҳаракатларга отаҒоналарнинг болага нисбатан лоқайдлиги, шахс сифатида уни ҳурмат қилмаслиги, қизиқишлариҒ га тўсқинлик қилиши сабаб бўлади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Йўналганлик | Ўзига ва атрофдагиларга нисбатан | Ўзига ва атрофдагиларга нисбатан | Ўзига ва атрофдагиларга нисбатан |
| Асосий турлари | 1Позитив (ижодийлик)<br>2. Негатив<br>3.Ижтимоий-нейтрал | 1.Конструктив (адаптив,меёърий).<br>2.Патологик: дефицитар ва деструктив | 1.Ташқи деструктив<br>2ички деструктив |
| Ижтимоий меъёрларга нисбатанмуносабати | Конструктив турда шахс ижтимоий меъёрларга риоя қилади патологик турда бузғунчи | Ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш | Ижтимоиймеъёрларга боғлиқ эмас доимий тарзда бузғунчиликка тайёрлик |
| Детерминация | Хулқи оғишганлик<br>1 Ташқи жисмоний мухит<br>2 Ташқи ижтимоий мухит шароитлари.<br>3 Ички наслий биологик ва конституционал мойиллик<br>4 Ички шахсий сабаб ва механизмлари билан боғлиқ | 1Биологик омиллар<br>2. Психик омиллар<br>3.Ижтимоий омилар. 4Маданий омиллар | Индивидуал омиллар |
| Хулқ установкаси | Агрессив хулқ кўринишларини намоён | Хулқий оғишганлик хатти | Атрофдагиларини идрок |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | этишга турғун установкаларнинг шаклланганлиги | харакатларини бажаришга тайёрлик холати | қилишда бахолашда,хатти харакатларида нисбатан деструктив яъни бузғунчилик хати харакатларини бажаришга тайёрлик холати |

5. и
6.
7.
8.
9.
10.
11.
12.
13.
14.
15.
16.
17.
18.
19.
20.

21.

22.

23.

24.

Ота-онанинг боласига қўйган ўта юқори талаблари, уни “вундеркинд” – ўта юқори чўққиларни эгалловчи шахс қилишдек орзулари ҳам сабаби бўлади. Душманлик ҳиссини беркитиб, ўсмир катталарга бўлган норозилик, хафалигини, ундан руҳан бегонасирашини намоён қилади. У ўзига дўстларни ташқаридан излай бошлайди ва кўпинча ичувчи, чеғ кувчи тўдага кириб қолади.

Ривожланиш туйғуси (эмансипация) ўсмирнинг ўз эркинлиги, мустақиллиги учун кураши. У катталар назоратидан тезроқ озод бўлишни хоҳлайди. Уни қанча назорат қилишса, у шунча эркинликка талпинади. Бу ўсмирнинг қайсарлиги билан боғлиқ. Руҳан соғлом ўсмирлардан ўта қайсарлик хислатлари вақти билан ўтади. Агарда катталар ўта шафқатсизлик ва сўзсиз бўйсунишни сўрашса, унда ўсмирлар ўта кескин характер намоён қиладилар. Энг хавотирга соладигани шуки, ўсмирларнинг хатти-ҳаракати бундай ҳолатларда уйдан қочиш ва дайдичилик билан тугалланади.

Рад этиш туйғуси бу ўйинларга, овқат ейишга, уй ишлари, жамоат ишларига қўшилишини инкор этиш туйғуси. Бундай воқеликда ота-оналар ўсмирларнинг баъзиларига маълум бир тенгдошлари билан мулоқот қилишни рад этадилар. Ота-она ўз фарзандини ичувчи, чекувчи тенгдошларидан ҳимоя қилиш мақсадида бошқа мактабга, бошқа ҳудудга кўчиришга ҳам мажбур бўлади, натижада ўсмир ўз отағонасини тенгдошларидан ажратганлигида айблаб, улардан аразлайди

**Агрессив Деструктив Девиант хулқ қиёсий тафсифи** (Сидоров Н.Р Л. Берковиц,. Г. Аммон)

**Агрессив Деструктив Девиант хулқ қиёсий тафсифи** ( Сидоров Н.Р Л. Берковиц,. Г. Аммон)

Индивид хулқ атворини тахлил қилишда ижтимоий хулқ установкаларини ўрганиш зарур

Психологияда установка индивид билан боғлиқ бўлган маълум бир ҳаракатларини идрок этиш бахолаш ва бажаришга бажаришга психофизилогик тайёрлик холати тушунилади

Деструктив хулқ кўринишларини намоён бўлишида негатив установкалар "шахснинг атрофдигиларнинг аксарига нисбатан салбий муносабатлари натижасида шаклланади С.П. Иванов ва В.В. Бойко тадқиқотларида деструктив установкаларнинг қуйиаги турлари ажратилади [ 11]

1.Атрофдагиларга нисбатан фикрлари ва хатти ҳаракатларида яширин бешавқатлик

2. Атрофдагиларга нисбатан очиқ бешавқатлик

3.Инсонлар ҳақида асосланган негатив фикрлар Маълум бир ижтимоий вазиятларда юзагаи келган холатлар асосида унга сабабчи бўлган инсонлар тўғрисида салбий фикрга эга бўлиш[ ҳама шундай...].

4. Негатив факторлар юзасидан ўзининг шериклари ҳақида аосланмаган умумлаштиришлар қилиш

5.Атрофдагилар билан муносабтлар жараёнида негатиқ тажрибага эга бўлиш

Клейберг Ю.А ва А. Эллислар деструктив хулқ кўриншларини шакланишда «иррационал установкалар" тушунчасини киритганлар Иррационал установкалар уларнинг фикрича инсоннинг когнитив сохаларидаги бузилишлар натижасида юзага келади Романов В.В. криминологияда "жамиятга қарши устновка " тушунчасини киритди Бу тушунчага индивиднинг"агрессив бешавқатҳатти ҳарактларни қилишга ички тайёрлик холати деб таърифлайди

## 1.2Деструктив хулқ-атворли ўсмирлар ижтимоий- психологик диагностикаси хусусиятлари

Психологик диагноз ( diagnosis - грекча, аниқлаш, билиш деган маънони англатади) - шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг хозирги холатига бахо бериш, ривожланишини олдиндан айтиб бериш ( прогноз қилиш) ва

психодиагностик текширув вазифаларидан келиб чиқиб, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган психолог фаолиятининг сўнгги натижасидир[15] . Психодиагностик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз қўйишнинг 3 босқичи фарқланади: Симптоматик диагнозда дастури мавжуд ҳар қандай комютер технологичяси орқали бажариши мумкин бўлган тадқиқотда олинган натижалар қайта ишланади. Этнологик диагнозда келиб чиқиш сабаблари бирор хусусиятнинг мавжудлигини эмас, балки унинг вужудга келиш сабаблари ҳам ҳисобга олинади. Типологик диагнозда синалувчи шахс тузилишида олинган натижаларнинг аҳамияти ва ўрни аниқланади.[1]Психодиагностика психологиянинг илмий ва амалий жабҳаларидан ташқари унинг бошқа соҳаларида кенг қамровда қўлланилади. Масалан, тиббий психология, патопсихология, инженерлик психологияси, меҳнат психологияси каби инсоннинг психологик хусусиятларини билиш талаб қилинадиган барча соҳаларда фойдаланилади. Илмий ва амалий психодиагностика қайд этилган барча ҳолатларда ҳам ўзига хос муҳим вазифаларни ҳал этади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Инсондаги мавжуд бирор психологик хусусият ёки хулқ-атвори ҳолатини аниқлаш;

[1] Матмуратова.Н.Б. Психодиагностика фанидан маърузалар матни. - Т., 2000й.

2. Мазкур хусусиятнинг шаклланганлиги, яъни унинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларда намоён бўлиши даражасини ўрганиш;

3. Зарур бўлган ҳолдагина шахснинг ташҳис қилинаётган хулқ-атворидаги психологик хусусиятларини очиб бериш;

4. Ўрганилаётган хусусиятларнинг шаклланганлик даражасини таққосий ишланмасини яратиш.

Амалий психодиагностикада санаб ўтилган вазифаларнинг ҳар бири алоҳида

ёки комплекс тарзда олиб борилаётган тадқиқот мақсадига мувофиқ амалга оширилади.

Психологик диагностика жараёнида Шахснинг индивидуал-руҳий ҳолатлари, шахсий ху- сусиятлари ўрганилади;

Аниқ диагностика маълумотлари шахснинг руҳий ҳолатини, унинг феълидаги хоссаларини, темпераментини баҳолашга имкон яратади.

Ижтимоий-психологик диагностика - бу ўсмирларнинг ўзаро ои- лада, «кичик гуруҳларда, тўгаракда, спорт жамоаларида ва бошқа- ларда шаклланган ижтимоий-психологик хусусиятларини тўғри баҳолаш».

Россиялик психолог Ю.М.Антонян диагностик тадқиқотлари деструктив фаолият деярли доимо узоқ вақт давом этадиган фрустрация ( лот. *rustratio* – алдов, беҳуда кутиш- хоҳиш, эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ муваффақиятсизликлар натижасида юзага келадиган психик ҳолат) ёхуд норасолик ҳисси шаклланиши натижасида юз беришини исботлаган.[15] Фрустрация натижасида келиб чиқадиган деструктив ҳаракатлар экстрапунитив характер касб этиши (ён-атрофдаги кишиларга, шу жумладан, фрустрация ҳолатига умуман алоқаси йўқ бутунлай нотаниш одамларга, алоҳида нарса-буюмлар ёки ижтимоий тузилмаларга йўналтирилиши) ёхуд интропунитив аҳамиятга эга бўлиши ( субъектнинг фрустрация сабаби ўзи эканлигини англаши ва жароҳатловчи вазиятдан алкоголизм, гиёҳвандик ёки суицид орқали чиқишга ҳаракат қилиши) мумкин. Албатта, ўзини ўзи намоён қила олмаган ва фрустрация холатида бўлган барча одам ҳам деструктив ҳаракатларни амалга

оширавермайди. Бунда биологик омиллар билан бир қаторда турли ижтимоий омиллар, тарбия ва муҳитнинг шахс шаклланишидаги ўрни, инсоннинг турли

деструктив, салбий психологик-манипуляцион таъсирларга тушиш хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. К.Леонгарднинг шахс типологиясига кўра ўзини ўзи бошқаролмаслик, хоҳиш ва интилишлари юзасидан назоратнинг сустлиги, физиологик майлларнинг устуворлиги бу типдаги шахсларда уйғунлашиб кетади. Уларга инстинктивлик, импульсивлик, қўполлик, мижғовлик, бадқовоқлик, беадаблик, орсизлик, дағалликка мойиллик хосдир[ 16.]. Бундай кишилар турли низо ва мунозараларни келтириб чиқариб, уларнинг фаол иштирокчиси бўлишади. Сержаҳл, серзарда, жиззаки бўлиб тез-тез иш жойларини згартириб туришади, жамоадагилар билан чиқиша олмайдилар. Мулоқотга киришувчанлиги, вербал ва новербал реакциялари, хатти-ҳаракатлари суст. Қўзғалувчан типдаги кишиларнинг акса-рияти болаликларида «қулоқсиз» бўлишган, хулқ-атвори талабга жавоб бермаган. Бошланғич синфларданоқ ўқишга ҳафсаласи бўлмаган. Бетўхтов назорат остида, истар-истамас улар уй вазифаларини, топшириқларни бажаришган. Барча ёмон ёрлиқлар уларга ёпиштирилган. Ёлғизликда ўзларини ёмон ҳис қилишган. Ташкилотчилик хислатларининг етарли даражада шаклланмаганлиги уларнинг етакчи бўлишларига имкон яратмайди. Ўқишни тез ташлашади. Бирор ишдан улар завқ олишмайди, бошқа илож йўқлиги сабабли бу кишилар муайян фаолият билан шуғулланишади.”Бир қарашда соғломдек кўринган ўқувчиларнинг диққат ,хотира,тафаккур,идрок жараёнидагибузилишлар дарсни қабул қилиш чоғида тажрибали педагогка яққол кўринади.”[1] Истиқбол, келажакка бефарқ бўлиб, фақат бугунги кун билан яшашади, кўнгилхушликни яхши кўришади. Жазавага тушгач, ҳовуридан пасайиши қийин кечади, бу пайтда атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкин. Ўзидан кучсизлар орасида ҳукмрон бўлишга интиладилар. Деструкцияга мойил шахсларнинг яна бир хусусияти уларда хавотирланиш даражасининг юқори бўлишидир. Бу ҳолат

[1] XXI-аср интелектуал авлод асри.илмий анжуман материаллари.М.Узақова.”Билиш жараёнлари паталогияларининг дарс самарадорлигига таъсир жиҳатлари.”Андижон-2015 йил 37-бет.

одатда инсондаги ўз ҳолатидан норозилик, нотинчлик, яқинлашаётган хавфни сезиш ҳислари билан уйғунлашиб кетади. Юқори даража-даги хавотирланиш - иши юришмаган, омади келмаган шахснинг субъектив кўрсаткичи ҳисобланади. Бундай шахслар атрофдаги инсонлар, муҳитга душманона муносабатда бўладилар. Шунинг учун улар вазиятга тўғри, адекват баҳо бера олмайдилар, кайфият-лари кўпинча аффект ҳолати таъсирида тез ўзгариб туради. Кузатув, суҳбатлар, интервью, анкета сўровномаси, эксперт баҳолаш усули, ўз-ўзини баҳолаш учун шахсий сўровномалар, руҳий тестлар, ижтимоий баҳолаш усуллари. диагностика учун тавсиялар:

1. Диагностика давомида девиант хулқли ўсмирларнинг қуйидаги ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш керак

- шахснинг ҳаётий мезонлари;
- маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- ўқитувчилар, ота-оналар ва синфдошлар билан мулоқот қилишдаги қийинчиликлар, улар билан келиша олмаслик;
- ўзининг имкониятлари, қобилиятлари, хусусиятларини баҳолаш;
- девиант хулққа мойил бўлиш; Ўз келажагига, ўқиш ва келгуси ҳаётига бўлган муносабатлар.(11,15,27)

1. Девиант хулқли ёшларнинг ҳаётий мезонларини таҳлил қилиш. Ҳаётий қадриятларни аниқлаш ўсмирлар билан суҳбат қилиш, тест ўтказиш орқали ҳам диагностика ланади. Ўсмирлар кўнгли қуйидаги қадриятларга яқинроқ бўлади:

- ўз дўстларини тенгдошлари жамоасидан топиш, бу билан ўзига ўхшаш тенгдошлари билан бир гуруҳда бўлиш;
- барчага ўхшаш, аммо ўз қадрини билиш;
- «такрорлаш», «тақлид қилиш» гуруҳ ичида уларга хос бўлган меъёрларни қўллаш;
- оғир ҳолатларда, тенгдошлар орасидаги келишмовчиликлар- да бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш;
- гуруҳ ичида ўзини кучли, адолатли инсон сифатида намоён этиш;

• ота-она, васийлардан мустақил бўлиш истаги;

• кўпгина ҳолатларда ҳуқуқбузарлик, тажовузкорлик билан боғлиқ жисмоний куч, ирода намойишлари;

• катталар ҳуқуқий меъёрлар талабларини инкор этса ҳам агарда ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ фаолиятга сўз берган бўлса, уни албатта бажариш;

• чет элнинг бизга ёт бўлган маданияти маҳсулларини ўзлаштириш, мусиқа, кийим-кечак, безак воситалари;

• қандай йўл билан бўлмасин «моддий фаровонликка эри- шиш».

Психологларнинг тадқиқотлари шуни маълум қиладики, кўпгина девиант хулқли ўсмирлар беғараз фаолият, ижодий иш, маърифатли бўлиш, аниқ келажакка режа тузиш каби қадриятларни рад этадилар. Уларнинг ҳаётий принциплари ўзлари хоҳлаганидек, кучли шон-шуҳратли бўлишга йўналтирилган. Уларнинг ҳаётий мезон- лари фақатгина фаровон, тўкис ҳаётда яшаш, ўзи хоҳлаганидек ҳаракат қилиш. Қуйидаги ижтимоий-руҳий хусусиятлар девиант хулқли ўсмирларнинг ҳаётий мезонларини ташкил қилиб, бошқа инсонлар билан жамиятдаги, атроф-муҳит билан бўлган муносабатларини белгилайди.

**3. Девиант хулқли ўсмир хулқ-атвор йўналишининг таҳлили**. Бунинг учун аввала мбор Б.Бас методикаси бўйича анке- та сўровномаси тўлдирилади. Анкета жавоблари умумлаштирилиб, психолог хулосалари билан ўсмирнинг ўзи ва гуруҳдагилар билан ўртоқлашади. Б.Бас тузган анкета саволномаси 3 тоифа шахснинг йўналишлар хоссаларини белгилайди. Ўз-ўзига қаратилган йўналиш - фақат ўзининг хотиржамлигини кўзлаш, шахсий устунликка интилиш, рақобатчиликка, ҳукмронликка, биринчи бўлишга интилиш ҳамда одамовилик, тажовузкорлик, тажанглик, ташвиш- ли ҳолатда бўлиш кабилардир. Бунда ўсмирлар ишда, жамоада би- ринчи галда шахсий манфаатларини устун қўядилар. Ўзаро мулоқот ҳамжиҳатликка қаратилган йўналиш - инсон- лар билан мулоқотга интилиш, баъзида муваффақиятли бўлмаса-да жамоада умумий фаолият билан шуғулланиш. Меҳнат фаолиятига

қаратилган йўналиш - муҳим муаммолар- ни ечишга фаолияти жараёнида интилиш. Асосий йўналиш анкета бўйича аниқланганда кўп балл тўпла- ган йўналиш устувор деб ҳисобланади. Тест натижаларини эълон қилгандан сўнг ўсмирлар билан суҳбат ўтказилади ва ўсмирнинг ўзи ҳақидаги баҳоси билан нечоғлиқ тўғри келишини аниқлаш даркор. Айниқса, ўз-ўзига қаратилган йўналиши ва ўзаро мулоқот, баҳамжиҳатликка қаратилган йўналишни намоён қилган ўсмир- ларни диққат марказида ушлаш зарурдир. Бу йўналишнинг биринчиси худбинлик ва салбий иллатларни яққол кўрсатса, демак айнан шу иллатлар ҳам девиант хулқнинг ривожланишига туртки бўлади. Иккинчи йўналиш эса ўсмирларнинг ўзаро мулоқотга ва тенгдош- лари билан алоқани ушлаб туришга бўлган эҳтиёжини
белгилайди. Шахснинг меҳнатга қаратилган йўналиши замирида жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлар доирасидаги ишлар тушунила- дими йўқми шунга кўра, салбий ва ижобий харкатердаги йўнали- шларга бўлинади.

4. **Ўсмирларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ҳақидаги тушунчалари диагностика** . Психолог диагностика қўйишдан аввал, ижтимоий меъёрлар умумий назариясини таркибий қисмларидан бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ҳақидаги билимга эга бўлиши керак. Маънавий-ахлоқий меъёрлар – бу жамиятда ўзаро мулоқот учун қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар ахолининг катта қисми орасида ҳаётий одатлар тарзида намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий меъёрлар инсонлар ҳар бир аниқ воқеликка нима деб, қандай ҳаракат қилиши кераклигининг намунасидир Деструктив хулқ муаммосини ўрганилишида ўсмирларнинг қадриятлар тизимини аниқлаш ва коррекцияга йўналтириш алохида эътиборни талаб қилади . Қадриятлар йўналишлари саволномаси ( И.Г.Сенин методикаси) Маълумки, кўпгина мутахассислар шахс йўналганлигини диагностика этишда мезон сифатида муайян ҳаётий мақсадларни, қадриятларни асос қилиб оладилар. Сабаби, қадриятлар йўналишлари тизими шахс йўналганлигининг асосий мазмунини белгилайди ва унинг атроф - оламга, одамларга, ўзига бўлган муносабатини, ҳаётий фаолият мотивларининг мазмунини, шахсининг

дунёқарашини ташкил этади. Қадриятларни икки турга ажратиш мумкин: 1) мақсадли қадриятлар ва 2) воситали қадриятлар. Муайян ҳаётий мақсадлар сари йўналган қадриятларга мақсадли қадриятлар деб аталади. Бошқа сўз билан айтганда, ҳар бир шахс ўзига хос умумҳаётий ғояларга, ўзининг етакчи ҳаётий мақсадларига эга бўлиши билан характерланади. Қадриятлар тўғрисидаги мазкур назарий қараш дастлаб М.Рокич томонидан илгари сурилган бўлиб, кейинчалик барча мутахассислар томонидан тўла қўллаб-қувватланган билан қўшилишиб кетиш ҳолатидан чиққан.Таҳлилий-диагностика қўювчи суҳбатдан сўнг ўсмирнинг коммуникатив даражасини аниқловчи В.Ряховский услубида тузилган тестларни ўтказиш тавсия этилади. Жанжалли хулқнинг диагностика. Девиант хулқли ўсмирларнинг хулқ-атвори сабаблари ота-она, ўқитувчилари ва синфдошлари билан келишмаслик, бошқа турли зиддиятлар ҳам бўлиши мумкин. диагностика қўйишга киришган психолог жанжаллар ва жанжалли хулқ назариясини яхши ўрганган бўлиши даркор. “Конфликт” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “conflictus” «тўқнашув» маъносини англатади. Бу бир-бирига мутлақ қарама- қарши бўлган қарашлар, фикрлар, характерлар, намуналар тўқнашуви. Ижобий мақсадга эришиш учун конфликтли муомала- ни тубдан ўзгартириш керак. Инсонлар ўз ғоялари, принциплари, характерлари, интилишларини ҳимоялаб тўқнашиб қоладилар. Конфликтлар - одамлараро, шахслараро бўлади. Ўзаро мулоқот қилувчи икки ёки ундан ортиқ шахслараро келишмовчиликдир. Бундай жанжал оддий муомаланинг ҳам бузилишида ёки умуман тугашида яққол кўзга ташланади. Агарда тўқнашувдан сўнг ҳам ўзаро мулоқот такрорланса, ун- да кўпгина ҳолатларда инсонлар умуман юз кўрмас бўлишгача борадилар. Баъзида бундай ҳолатлар инсонларнинг келишиб олишга сабаб бўлади. Инсонлараро тўқнашувда одамларнинг тур- ли қарашлари, истаклари, дунёқарашлари бир-бирига зид келади. Кўпинча, жанжаллашаётган одамлар мулоқоти ўзаро айбловлар, ҳақоратлар, бир-бирини ерга уришлари билан кузатилади. Ички конфликт – бу бир-бирига зид фикрлар, қизиқишлар, ички мазмун ва қарама-қарши дунёқараш оқибатида рўй беради. Шахснинг индивидуал-руҳий хусусиятларини инобатга олиб, айтиш мумкинки, ички

конфликт замирида ўз-ўзидан қониқмаслик ҳисси ётади. Бундай келишмовчиликлар уларнинг ижтимоий воқеликда кескин тўқнашувига олиб келади. Жанжалларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни қуйидаги- ларга ажратиш мумкин: рақобат, мослашиш, ҳамкорлик, келишув, четлаб ўтиш. Ўсмирларнинг низоли хулқи сабаби ва оқибатларини таҳлил қилиш учун якка тартибдаги суҳбатлар, анкета сўровномалари ва тестлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ Экспериментал-психологик тадқиқот ўтказишдан олдин психолог - тадқиқотчи ўсмир билан суҳбатлашади. Бунда у билан ижобий ҳиссий алоқа ўрнатиб бажариладиган топшириқнинг мақсад ва вазифаларни тушунтириб беради. Суҳбат психологик тадқиқот методи сифатида ўсмир ҳақида маълумот олишга имкон беради. Суҳбат
олдиндан тайёрланган саволлар асосида ўтказилиши ёки ихтиёрсиз характер касб этиши мумкин. Бунда тадқиқотчи суҳбат жараёнида болага, унинг оиласига ёки тенгқурларига тегишли бўлган, болага ёқмайдигдн саволларни бермаслиги керак. Суҳбатда бола шахсининг хусусиятлари, ўзининг жисмоний ва психик ҳолатига, ишчанлигига баҳо бериши аниқланади.

Текширувчининг ижтимоий-маданий даражаси, маълумоти, қизиқишлари, эҳтиёжлари, ўзаро фикрлашув қобилиятлари аниқланади. Баъзи ҳолларда суҳбат психопрофилактик ва психотерапевтик мақсадларда ўтказилади, бунда бола бошидан кечираётган қўрқинч, хавотирланиш, ўзига ишонмаслик каби ҳолатлар йўқотилади.Дарс давомида ўқитувчи томонидан берилаётган ахборотларни ҳар бир ўқувчи ўзига хос ички психик жараёнлардан келиб чиқиб қабул қилади.[1] Шундай қилиб, тарбиячи суҳбат жараёнида тадқиқот олдига қўйган вазифага боғлиқ равишда бола ҳаёти ҳақида муҳим маълумот олиши керак. Экспериментал психологик тадқиқот ўзининг қуйидаги шартли чизмасига эга ( чизма).( 29.)

---

1

1-чизма

Ўсмирни экспериментал-психологик ўрганиш чизмаси




Ҳар бир девиант хулққа бўлган мойиллик авваламбор синф раҳбарлари, ўқитувчилари томонидан берилган маълумотларда намоён бўлади. Аммо бу маълумотлар тўлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки бу ёшда деярли барча ўсмирлар салбий ишлар, беъэти борликларга йўл қўйишади. Ўсмирдаги девиант хулқ даражасини аниқлаш учун психолог ўсмир билан якка тартибда аниқ мақсадли суҳбат ўтказиши керак.

Девиант хулқли ўсмирларнинг ижтимоий-руҳий хусусиятларини таҳлил қилиш, аниқлашда, уларнинг ўқишга, ҳаётга, келажакка, қайси касб эгаси бўлмоқчилигига бўлган муносабатини билиш муҳимдир. Ўсмир билан

таҳлилий суҳбат давомида қуйидаги мазмундаги саволларни бериш мақсадга мувофиқдир:

• мактабда ўқиш унга қизиқми, қайси фанларга қизиқади?

• қайси ўқитувчини ва нима сабабдан яхши кўради?

• «аълочи» бўлишни, яхши ўқиб, келгусида ўзи яхши кўрган касбга эга бўлиш учун коллежга киришни истайдими?

• Келажагини қандай тасаввур қилади?

• Унинг фикрича, катталар ҳаётининг бош мезони нима?

• Жамиятда қандай ўрин тутишни, ким бўлишни орзу қилади?

• Касб-ҳунарлар ҳақида нима билади, қандай касблар унга ёқади?

• Унинг фикрича, касб эгаси бўлиши учун у қаерда илм олиши керак?

• Ўзи учун бирон-бир касбни танладими, танламаган бўлса нима учун?

• Қандай қизиқишлари, хоббиси бор, яна нима билан шуғул- ланишни истайдию аммо бунга шароити йўл қўймайди?

• Бирон-бир фаолиятга алоҳида қобилиятим бор деб ҳисоблайдими?

• Келажакда ўзи ва оиласини боқадиган даражада яхши мута- хассис бўла оладими?

• Ўз оиласига қандай муносабатда ва келгуси оилавий шахсий ҳаётини қандай тасаввур қилади?

• Келажакда муваффақият қозониш учун ўтмишда йўл қўйган хатоларни тузата оладими?

• Унинг учун келажакда муносиб яшаш ва бошқаларга керак- ли бўлиш муҳимми?

• Ҳаётдан мақсади нима ва уни қандай амалга оширмоқчи? Олинган , жавоблар натижасида ўсмирнинг ўқишга, ҳаётий ва касбий келажагига бўлган қарашларини аниқлаш мумкин.Девиант хулқли ўсмирлар билим олишга, кўпинча салбий муносабатда бўлишади, келажакда эса мавҳум бир тушунча деб қарашади.” Дарс давомида ўқитувчи томонидан берилаётган ахборотларни ҳар бир ўқувчи ўзига хос ички психик жараёнлардан келиб чиқиб қабул

қилади”[1].Уларнинг кўпчилиги келажакда нима билан шуғулланишни, нима қилишни тасаввур ҳам қилмайди. Бу ўсмирнинг ҳаётий ва касбий қадриятларни билмаслигидан ва тушунмаслигидан келиб чиқади. Юқоридаги хулосаларни билиш девиант хулқли ўсмир- ларнинг ижтимоий-руҳий хусусиятлари анализи натижасини таҳлил қилишимиз давомида керак бўлади. Психологлар хулоса-лари натижалари таҳлили билан шуғулланишида қуйидаги тоифа ўсмирлар бўлишини ҳисобга олиш керак.

## 1.3 . Девиант хулқли ўсмирлар шахсий ривожланиши ва хулқ-атворининг психологик коррекцияси.

Психологик коррекция – бу кенг маънода амалий психологликнинг шундай шакли ва усулдаги фаолиятки, бу фаолият инсонни психологик, ақлий ва шахсий ривожлантиришдаги заифликларни тузатишларга қаратилган бўлади. Психологик коррекциянинг мақсади: шахс психик кўрсаткичларини меъёрга келтириш, инсонга жамият талаблари асосида психик бузилишларнинг асоратли даражага етмасдан туриб фаолият кўрсатиш учун мақбул [ оптимал] шароитларни яратишдир.

Ўсмирлар билан ўтказиладиган педагогик-психологик коррекция, аввало, оилада ўсмир шахси ривожланиши учун мақбул бўлган психолгик муҳитнинг шаклланишига эришиш, унда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш,ўзаро ҳамкорлик ҳамда ҳурматга асосланган жамоани жипслаштириш, ўсмирларда ўз-ўзини намоён этиш имкониятларини топа олишига имконият яратиш, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ижтимоий фойдали фаолият йўналишларига жалб этиш, ўз олдига қўйган мақсад, шунингдек, истиқболли режаларни амалга ошириш мотивациясини шакллантириш каби вазифаларни қамраб олади.

Ўсмирлик даврига хос психологик диагностика ва коррекция қуйидагилар билан тафсифланади:[ 32,35,13]

- психологик ёрдамни орқага суришнинг мумкин эмаслиги;

---

[1] Бошланғич таълим:муаммолар ва ечимлар.Анжуман материаллари.М.Узақова”Янги педагогик технологияларни қўллашдашахснинг информацияларни қабул қилиш жихатлари.”Андижон-2015 169-бет.

- Деструктив  хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келувчи -психологик установкаларни аниқлаш ва коррекциялашга йўналганлиги;

-ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини таъминловчи, шунингдек, индивид барқарорлиги ва шахсий юксалишига хизмат қилувчи,турли кўринишдаги шахслараро низоларни ҳал этишнинг янгича усулларини излаб топиш ва тренингни амалга оширишдан иборат.

Психологик диагностика ва психокоррекция одатда учта асосий вазифани бажаради[ 32]

- психологик қўллаб-қувватлаш;

- психологик аралашув;

- ижтимоий-психологик мослашув даражасини ошириш.

Психологик диагностика ва коррекциянинг бир неча босқичлари мавжуд Булар:

- психологик алоқа ўрнатиш;

- деструктив  хавф бўлган ҳиссиётни очиб бериш;

- хулқ-атвор муаммоларини ечиш ва адаптив кўникмаларни сафарбар этиш;

- хоҳишга кўра, шартнома тузиш.

Психологик коррекциясининг махсус бўлган маъноси психолог «нимани тузатмоқчи» бўлишига боғлиқдир. Деструктив  хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлашнинг умумий тамойилларини қуйидагилар ташкил этади:

- биринчи лаҳзадан эмпатик, интенсив-эмоционал хайрихоҳлик туси, ўсмирга нисбатан норасмий муносабатни ўрнатиш;

- ўсмирнинг хоҳиш- истаклари, ташвишлари ва қўрқувлардан халос бўлишига имкон бериш;

- имкониятларини фаоллаштириш;

- анонимлилик талабига риоя этиш.

Ўсмирлар билан амалга ошириладиган биринчи суҳбат жараёнининг асосий вазифаларини қуйидагилар ташкил этади. Булар;

- эмоционал тангликни камайтириш;

- салбий ҳиссиётларини “тўсиб қўйиш”;

- ўсмирни қийин вазиятларни енгиб ўтишга сафарбар қилиш;

- ушбу инқироз жараёнидаги психологик шикастланиш [ жароҳат] ҳолатлари эҳтимоли ва уларга адекват жавоб қайтаришга тайёрланиш;

-ўсмирнинг эътиборини муаммолли вазиятдан ўзининг ички муаммоларига қаратган ҳолда унинг навбатдаги психологик ёрдамини қабул қилишнинг мотивациясини кучайтириш.

Бу жараёндаги қийинчилик шундаки, нисбатан қисқа муддатли психологик диагностика ва коррекция жараёнида ўсмирнинг юксак мотивацияга эга бўлишида яққол кўринади.

Деструктив хулқ-атворли ўсмирларда, кўпинча эмоционал алоқа қилишнинг имкони пасайган, мотивация умуман намоён бўлишга улгурмаган бўлади [ 37 ]. Шунинг учун ҳам ўсмир билан биринчи учрашув ва суҳбат ҳар икки томон, яъни ўсмир-психолог диадик муносабатининг қийматини белгилайди. Ўсмир шаклланган инқирозли вазиятдан чиқиб кетишни хоҳлайди, лекин таклиф этилган ёрдамни “Қабул қилишни истамайди”. Шу боис ҳам, улар билан ўзаро мақбул алоқаларни тиклаш ва ҳамкорлик, шунингдек, вазият таҳлилини аниқлашга қаратилган суҳбатнинг психологик тавсифи ҳақида сўз юритмоқ жоиздир. Ўсмир хулқ-атворини тадқиқ этишга доир суҳбатлар муайян тамойиллар асосида тузилиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўсмирлар билан ўтказиладиган биринчи суҳбат давомида қўлланилган психологик усулларнинг барча йўналишлари унда кейинги ўзгаришлар мотивациясини яратишга қаратилмоғи лозим.

Психологик коррекция, психологик консультация (маслаҳат бериш) билан узвий боғлиқ, у психологиянинг мустақил бўлимидир. Айнан, якка тартибдаги психологик маслаҳатлар турли ҳаётий, шахсий ва бошқа шу турдаги муаммолари бор инсонларга ёрдам беради. Махсус ташкил этилган мулоқот-суҳбат давомида психолог ёрда- мида шахс ўзидаги бор кучларни сафарбар қила

олиши мумкин. Айнан, шу қўшимча психологик куч-кувват ва қобилият, инсоннинг қийин муаммоли ҳолатлардан чиқишга ёрдам беради. Маслаҳат бериш усулларини қуйидагича тузиш мумкин: [13 ].

1. Ҳаётий кўникмалар, тренинглар;

2. Инсонларнинг ўзаро алоқаларининг тренинги;

3. Муаммони ҳал қилиш ва муҳим қарор қабул қилиш тренинги;

4. Қобилиятларни йуналтириш ва ривожлантириш;

5. Ўзининг ривожлантиришга, ўз устида ишлашга ёрдам.

6Ижтимоий мослашувчанлик даражасини юксалатириш

Бу усулдаги тренинглардан гуруҳ ичидаги ва оилавий руҳшу- носликда, психологик терапияда фойдаланилади, шу усуллар воситасида муаммоли вазиятга шахснинг бошқалар билан келиша олмаслик ху- сусиятларини тўғрилаш киритилади [ психокоррекция]. Психологик коррек- ция ва ривожланиш камчиликларни тузатиш ва шахснинг шаклланиши жараёнида юз берган меъёрдан чиқишларни ҳал қилиш: шахснинг соғлом психологик ривожлантиришга шароит яратиш. Коррекциянинг мақсад ва вазифалари: - психологик ривожлантириш жараёнини тўғрилаш, ўқувчиларнинг салбий фикр, хатти-ҳаракатларига ўзгартириш киритиш; - ўқувчиларнинг қизиқиш, фаоллигини билиш жараёнига бўл- ган интилишларини ривожлантириш мақсадида уларнинг ақлий сусткашлигини тўғрилаш; - болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий меъёрларга, қадрият- ларга, ўз девиант хулқи сабаб, оқибатларига, атроф-муҳитга, мак- таб ҳаётига мослаша олмаганликларни тўғриланиши; - ўсмирларга, уларнинг ота-оналари, ўқитувчиларига, тарбия- чиларга психологик коррекциянинг шахсни ривожлантириш учун қан- чалик муҳимлигини тушунтириш. Психологик маслаҳатлар – ўсмирларга, ота-оналарга, васий-ҳомийларга, ўқитувчи ва тарбиячиларга уларнинг муаммоли вазиятларни ҳал қилиш учун кўрсатиладиган психологик ёрдам. Ички психологик кув-ватни жамлай олишни ўргатиш. Маслаҳатларнинг мақсад вазифалари: ота-оналарга болаларнинг ёшига ва ижтимоий психологик хусуси-ятларига қараб саволларига жавоб бериш уларнинг ривожланти- ришдаги

камчиликларни енгиб ўтиб, тўғрилаб ўзгартириш; - ўсмир ўғил ва қизларга катталар, тенгдошлари билан
кечади- ган ўзаро мулоқотлардаги қийинчиликлари, шахсий, касбий муам- моларни четлаб ўтиши ҳақида маслаҳат бериш; - ўсмирларнинг ўз «мен»ини шакллантириб, ўзига ҳурмат билан қарашни, ўз устида ишлашни, ўзидаги камчиликларни амалда туза- тиш кўникмаларини шакллантиришни ўзгартириш. Девиант хулқли ўсмирлар ва ўсмирлар ҳуқуқбузарлар билан якка тартибдаги коррекция ишларини қуйидаги услубларда олиб бориш тавсия этилади: [ 27 ].

1. «Психотерапевтик ойна» воситаси – ўзини ташқаридан кўриш- га имконият яратиб, шартли равишда ўзини тушунишни ривож- лантириш;

2. «Муқобил йўллар» воситаси – нотўғри ахлоқ-одоб меъёр- ларини намоён қилган ўсмирга тўғри йўл кўрсатиш;

3. «Ўрнига-ўрин» воситаси – характерида, феъл-атворидаги бўшанглик, ирода ва кучли психологик қувват кабилар билан ўрнига- ўрин алмаштириш, тўлдириш таклиф килинади;

4. “Ижобий ижтимоий фаолиятни сингдириш” воситаси – психологнинг салбий дунёқарашни ўзгартириб, ижобий фикр- лашга таъсир қилиши;

5. «Маънавий иммунитет ҳосил қилиш» усули – намунавий, идеал ахлоқ- меъёрларига эга бўлишни мактабдан, ҳаётдаги мисол- лардан келтириш, баъзи инсонларнинг салбий таъсирига қарши иммунитет ҳосил қилиш;

6. «Кўрсатмалар, қоидалар» усули – оилавий психологик терапия воситасида оила аъзоларининг қилиши керак бўлган ишлари қонун-қоидасини белгилайди. Кўрсатмалар турлича бўлиши мум- кин: нимадир қилиш, ниманидир қилмаслик. Бу қонун-қоидалар тўғри ва қарама-қарши кўринишдаги қонун-қоидалар;

7. «Ишонтира олиш» воситаси – таъсир ўтказиш сифатида ҳаракатланаётган инсон – психолог ёки педагогнинг бошқа таъсир этувчи инсоннинг хулқига, ўзига бўлган муносабатига, бошқаларга бўлган

муносабатига, муаммони яхшиликча ҳал қилишга хизмат қилувчи ахборот воситаси;

8. «Ижтимоий меъёрларнинг тўғриланиши» воситаси – инсон- нинг шахсий шаклланган дунёқарашлари, хусусан, «ўқишга, иш- га», «ўзига» «бошқаларга» «келишмовчиликлар»га бўлган қараш- ларини тўғрилаш. \

Қуйидаги ишлар тавсия этилади.

1. Девиант хулқли ўсмирларнинг хулқини ўзгартириш мураккаб, улар ижобий ўзгартиришларга турлича қаршилик билдиришади. Шунинг учун девиант хулқли ўсмирни қайта тарбиялаш учун уларда ижобий томонга ўзгарти- ришни хоҳлаш туйғусини уйғотиш жуда муҳим.

2. Ижобий ўзгаришларни исташ ҳиссини уйғотиш, уни риво- жлантириш учун психологик маслаҳатлар, тренинглар катта аҳамиятга эга. Тўғридан-тўғри қуйидаги саволлар билан ўсмирга мурожаат қилиш ҳам фойдадан холи эмас: «Хулқингизнинг ёмон хислатлари нимада?», «Ёмон хулқингиздан ўзингиз ҳам азият чекасизми?», «Кимга қандай зарар етказдингиз?», «Ўз хулқингиздаги қусур- лардан ўзингиз халос бўла оласизми?», «Хулқингизни ўзгартириш керакми?». Шунингдек, девиант хулқнинг аянчли оқибатлари ҳақида га- пириш ҳам даркор. Девиант хулқли ўсмирни ўз қилмишларининг ёмон оқибатлари ҳақида иқрор бўлишга ундаш ҳам профилактик ишларнинг бир қисмидир. Агар бунга ўсмир рози бўлмаса, девиант хулқнинг аянчли оқибатлари таъсирини атрофдаги одамлар мисо- лида таҳлил қилиш мумкин. Маслаҳат бераётган психолог ўз мижозини гуноҳ, уят, алам, оғриқ, дард, нафрат, ғазаб, ожизлик, азобланиш туйғуларда очиқ иқрор бўлишга ўргатади.

3. Ўсмирни келажакни девиант хулқ билан ва усиз қарши олиш ҳолатларини тасвирлашга чақириш яхши натижа берадиган психологик воситадир. Масалан, психолог мижозга унинг келажакдаги ҳаётини тасвирлашда спиртли ичимликларни аянчли оқибатларини кўриш ва фараз қилишга чорлаши керак. Психолог [ психолог] ёки психотерапевт нафақат фикрлашга, балки ўз ҳис-ҳаяжонини ифода килиб, олишга ҳам ўргатади. Ўз

келажагини тасвирлаш учун ке- ракли ибораларни топа билиш фойда беради. Агарда, ўсмир ўз девиант хулқисиз келажагини тасвирлаганда, ижобий ҳис-туйғуни намоён қилса, демак, шундай хулққа эришиш чора-тадбирлари дастурини тузиш мақсадига мувофиқ бўлади. Ўзаро тушунишга эришилса, келишув асосида психотерапевтик муолажаларни олиб бориш ўсмирда бутун муолажа даврида мақсадга интилиб туриш- ни таъминлайди. Келишув оғзаки ёки ёзма контракт усулида тузи- либ, унда фаолиятнинг мақсади, усули, шарти, муддати, шунинг- дек ўзаро манфаатли нуқталари белгиланади. Тарафлар барчаси контракт шартини бажаришга масъул. Контракт шартлари бузилса, нима бўлишни тарафлар келишиб олган бўлиши керак.

4. Мижознинг муаммосини ишлаб чиқиш асосий устувор вазифадир. Мижоз маслаҳат берувчи ёрдамида қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиши керак. «Унинг ёмон хулқ-атворни намойиш қилишдан мақсади нима?» «Бундан қандай қониқиш ҳосил қилади?», «Девиант хулқдан озод бўлиб, у нимани йўқотади?». Бу саволларга жавоб беришга ўсмир қийналиши мумкин. Агар ўсмир очиқ мулоқотга, ичидаги ҳис-туйғуларни намойиш қилишга қаршилик қилса, ўзини ўрганишнинг бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, бу «мен ва гиёҳвандлик», «гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт» мавзудаги расмлар бўлиши мумкин.

5. Агар шахс қатъий туриб муаммоларни инкор этиб, яхши томонга ўзгаришни истамаса, фаол бўлганларга мурожаат қилина- ди. Унинг оиласи ва референт гуруҳи [ унга таъсир қилувчи одамлар] бунда ҳамкор бўлишлари керак. Кўпчилик бўлиб, унга таъсир қилиш ўз самарасини беради. Бунинг учун девиант хулқли ўсмирга қадрли бўлган инсонлар йиғилади. Йиғилганлар суҳбатга алоҳида тайёргарлик кўришади. Бунда турли меъёрдан чекини-шларни яққол намоён қилувчи ҳаётий мисоллар келтирилади. Уларнинг фожиявий якуни гапириб берилади. Ўсмир билан ишлашдан аввал унга таъсир этувчи гуруҳ репетиция ўтказиб олади. Бу жараённи шундай ташкиллаштириш лозимки, барча девиант хулқли ўсмирлар учун обрўга эга гуруҳ вакиллари таъсир кучига эга бўлган гапларни ишлатиб, ўсмирнинг ўзини танқид қилмаган

ҳолда, қайта тарбияласинлар. Кейинчалик ўсмирга тузалиш имко- ниятини берувчи исталган воситани танлаш имкониятини бериш керак.

6. Баъзи ҳолларда, нечоғлиқ оғир бўлса ҳам ўз холига қўйиш усули ҳам натижа бериши мумкин. Усулнинг маъноси – ўсмир- нинг хулқига, хулқ-атвор оқибатларига ўзини масъул ва жавобгар қилиш. Шунингдек, ўсмирга таъсир қилишнинг барча усулларини тўхтатиб, уни қўллашдан умуман юз ўгириш. Шу дақиқалардан бошлаб, инсон ўзини-ўзи эплай олиши ке- рак, йўқса, ачинарли бўлса ҳам оиласи ундан воз кечиши ҳам мум- кин. Бу усулдаги ишларни олиб боришда атрофдагилар ўсмирга қат- тиққўллик билан қарашлари даркор. Унинг гапларига ишончсизлик билдириб, ёрдам бермай қўйишлари керак. Агар у оила қучоғида яшаб қолса, унинг талабларини фақат оила тарбиячиларига бўйсунс- агина бажариш керак. Масалан, у гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишини давом эттирса, уни маълум муддатга пул ва бошқа эхти- ёжларини қониқтиришдан воз кечишларини билдиришлари керак. Ота-она гиёҳванд ўсмирга ҳатто жазо тариқасида овқат беришдан, бошпана беришдан воз кечиши мумкин. Баъзи ҳолларда ўсмир мах- сус ёрдамга рози бўлади. Девиант хулқли ўсмирлар билан ишлашда уларни тузатиш, тўғрилаш давомида ўсмир хулқини келиб чиқиши сабабларини билиш керак. Мутахассис – психолог ўз мижозига керакли бўлган усул ва воситаларини таклиф қиладики, бу воситалар ижобий ўзгариш- ларини олиб келсин. Албатта ўсмир билан психолог ҳамкорликда фаолият олиб бориши учун орадаги муносабат ҳалолликка, жавоб- гарликка, масъулиятликка, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳурмат қилишга асосланган бўлиши лозим.

# II-БОБ ЎСМИРЛАР ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ КЎРИНИШЛАРИ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФНОМАСИ.

## 2.1 Деструктив хулқли ўсмирларнинг ёшига ва ижтимоий- психологик ҳолатларига оид хусусиятлари.

Ўсмирлик даврининг асосий узига хослиги болаликдан катталикка утишидадир. Бу давр физиологик ривожланиш ва жинсий етилишнинг кескин жадаллашуви давридир. Бу даврга усмирлар томонидан шахс салбий

хусусиятларининг намоён булиши ва уларнинг алмашиниб туриши: гох мулокотга киришувчан, гох акси, гох кувнок, гохо эса гамгин ва х.к.лар характерлидир. Ўсмирнинг асосий максади ўз-ўзини англаш ва ўхшашликни шакллантириш [ тенгдошларидек бўлиш].

Ўсмирликдан катталикка утиш хаммада хам текис кечавермайди. Шунга кўра ўсмирликда шахс шаклланиши 3 турга бўлинади [ Э. Шпрангер]. Биринчи тур учун даврнинг иккинчи марта дунёга келишдек жушкин, кризисли кечиши хосдир. Унинг якуни – янги «Мен»нинг юзага келиши. Иккинчи тип учун даврнинг силлик, кучли асабийлашишларсиз шахс шаклланиши хосдир. Шахс шаклланишининг учинчи турига эса онгли ва фаол равишда уз-узини тарбиялаш, хавотир ва инкирозларни мустакил енгиш хосдир. Ш. Бюлер жисмоний пубертат билан бир каторда психик пубертатни хамда унинг ичидаги 3 та фазани ажратди.

Биринчиси - бу психик пубертатликнинг арафаси булиб, 11-12 ёшли усмирда куйидаги алохида белгилар пайдо булади: бебошлик, урушкоклик, ўсмирлар уйинлари унга кизик куринмайди, ундан каттарок усмирларнинг уйинлари эса тушунарсиз булади.

«Арафа» ундан кейинги 11-13 ёшдаги кизлар ва 14-16 ёшдаги угил ўсмирларни уз ичига олган салбий (негатив) фаза билан алмашинади. Атроф мухитга утувчи тез кузгалувчанлик ва безовта холат, нозиктабиатлилик, жисмоний ва рухий дармонсизлик, узидан норозилик, кабилар бу даврга хос асосий белгилардир. Шунинг учун купчилик усмирларда узига ва атрофидагиларга булган нафратни ва унинг натижаси булган узини ёлгиз, бегона ва бошкалар томонидан тушунилмаган сезиш каби холатларни учратишимиз мумкин. Бу вактда ўсмир асосан, карама-каршиликларга, салбий таъсирларга ута сезгир булиб колади, бундай вазиятлар ўсмирда ёки агрессив уз-узини химоя килишни ёки пассив меланхолияни келтириб чикаради. Салбий фаза якуни - жисмоний етилишнинг якунланиш вактига тугри келади.

Ижобий (позитив) фаза усмирнинг мухитнинг ижобий тарафларига (аспектларига) таъсирчан булиб колиши билан бошланади. Унинг олдида

хурсандчиликнинг манбалари пайдо булади, уларнинг ичидан Ш. Бюлер биринчи уринга «табиатнинг хаяжонланиши»-гузалликни онгли хаяжонланишини куяди. Ривожланиш учун кулай шароитда хурсандчиликнинг манбалари санъат ва илм булиши мумкин. Буларга «энг кучли тангликлардан хам чикариб юборувчи» мухаббат хам кушилади (В. А. Аварин Психология детей и подростков. СПб., 1998. С. 308-309).

Бу ёшда жинсий етилиш натижасида ўсмир организмида ва рухиятида сезиларли узгаришлар руй беради. Бу ўсмирнинг кизикишлар сохасини анчагина узгартиради. Бунда кизикишлар ривожининг икки хусусиятини куришимиз

мумкин: бир томондан янги кизикишлар ва майлларнинг пайдо булиши (ижтимоий хаетга, техникага, кахрамонлик ва саргузаштларга бой китобларни укишга; купчиликда спортга кизикиш кучаяди), иккинчи томондан – аввал урнатилган кизикишлар тизимининг йуколиши( ундаги негативизм, карама-карши характер шундандир]. Л.С. Виготскийнинг ёзишича айнан шу икки хусусиятнинг уйгунлашуви бир карашда галати фактни – кизикишлар камайиши еки базан умуман йуколишини характерлайди. Бу вайрон этувчи фаза давомида усмир уз ўсмирлигига бархам беради, шунинг учун хам Л. Н. Толстой бу боскични «усмирлик сахроси» деб атайди.

Бу фазага пессимистлик, жамоа билан алокаларнинг бузилиши, ўсмирлар орасидаги олдинги урнатилган муносабатларнинг узилиши, шу билан бирга дустона муносабатлар хам, елгизликка интилиш, бошка инсонларга булган муносабатларнинг кескин узгариши, жамият хулк-атвор коидаларига буйсунмаслик кабилар хосдир.

Натижада купчилик усмирлар индивидуал йуналишда намоен булади. Шу билан биргаликда индивидуалликнинг чуккиси урта ешдаги усмирларга тугри келади, катта ешдаги усмирларга келганда эса унинг нисбати камая боради; узининг манфаатларига дахлдор булган шахсларнинг хаети билангина кизикадилар.. .

Ўсмирлик даврининг энг асосий хусусияти бу иккита ривожланиш: психик ва жисмоний яъни  психик ва соматик жараёнлар интенсивлиги билан характерланади.Айнан шу даврда тез толиқиш, жисмоний заифлик, турли касалликларга мойиллик ъолатларини кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси психосоматик ўзгаришлар ъисобланиб, психик ва соматик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқлигининг натижаси саналади.Яққол намоён бўлувчи ўсмирхусусиятларининг аксарияти унинг муносабатлари тизимида кўринадиган характер ўзига хосликлари саналади. Бу ўзига хосликлар психологияда "характер акцентуацияси" деб аталувчи характернинг алоъида шаклда намоён бўлувчи кўринишидан иборатдир.

Характер аксентуцияси масаласи М.Крамер, Э.Кречмер, К.Леонгард, о.В.Кебриков, П.Б.Ганнушкин, В.В.Ковалев, А.е.Личко каби кўплаб олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Характер акцентуацияси - норманинг психопат билан чегарадош вариантини билдирувчи характер айрим сифат ва сифатлар тўпламининг ъаддан ташқари намоён бўлишидир. Характер акцентуацияси психопатларда уларга хос бўлган учта белгининг бир вақтда намоён бўлмаслиги билан фарқланади. Бу белгилар: вақт мобайнида характернинг стабиллиги, ъамма вазиятларда ёппасига намоён бўлиши ва ижтимоий дезадептация [ кўника олмаслик].. Характер акцентуациясининг очиқ ва яширин [ латент] шакллари мавжуд бўлиб, оила тарбияси хусусиятлари, ижтимоий мухит, касбий фаолият, жисмоний саломатлик каби муъим рол ўйновчи омиллар таъсирида осонгина бир-бирига ўтиб туриши мумкин. Характер акцентуацияси ўсмирлик даврида шаклланиб, вақт ўтиши билан силлиқланиб, компенсация қилинади.Деструктив хулқ кўринишларини мамоён бўлишида ўсмирлардаги характер акцентуацияси муаоси билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги тадқиқотилар томонидан таъкидланади. Турли классификациялар асосида характер акцентуациясининг қуйидаги асосий типлари ажратилган:

1. Циклоид - яхши ва ёмон кайфият фазаларининг турли даврларда алмашиб туриши.

2. Гипертим - доимий кўтаринки кайфият, бир йўла бир неча ишга ёпишиш тенденсияси ва фаолият чанқоқлиги билан юқори психик фаоллик, бошлаган ишни охирига етказмаслик.

3. Лабил - вазиятга қараб кайфиятнинг кескин ўзгариши.

4. Астеник - тез толиқиш, жаълдорлик, депрессия ва ипохондрияга мойиллик ( депрессия - руҳий сиқиқлик, ипохондрия – ваъима).

5. Сензитив - юқори таъсирчанлик, хадиксираш, шахсий тўлақонли эмаслик ъиссининг кучайганлиги.

6. Психастеник - юқори хавотирлилик, бадгумонлик, журоацизлик, доимий шубъа ва мулоъаза, ўз-ўзини таълил қилишга мойиллик, ритуал ҳаракатлар ва обсессия тенденсияси.

7. Шизоид - бошқалардан ажралиш, яккаланиш, интероверсия, ъамдардликнинг йўқлиги ва эмоционал контактлар ўрнатишнинг қийинлигида намоён бўладиган эмоционал совуқлик, мулоқот жараёнида интуициянинг етишмаслиги.

8. Эпилептоид - [ баозан шафқатсизлик элементлари билан] азабдан қутуриш ва қахр-хуружи кўриниши тарзида намоён бўладиган агрессиянинг тўпланиши билан дарьазаб-ьамгин кайфиятга мойиллик, жанжалкашлик, тафаккурнинг эгилувчанлиги, гўят даражада педантизм [ ўтакетган расмиятчилик].

9. Тутилиб қолувчи [ парангўял] - юқори шубоаланувчи ва касаллик даражасидаги аразчилик, салбий эффектларнинг собитлиги, устунликка интилиш, бошқалар фикрларини қабул қилмаслик натижасида юқори жанжалкашлик.

10. Намойишкор [ истероид] - тан олинишга эътиёж қониқтирилмаганда "касал бўлиб олиш", манманлик, қалтис ишларга қўл уриш билан характерланадиган, ўзига диққатни жалб қилиш учун фойдаланиладиган ёлгўнчилик, фантазёрлик ва мугўмбирлик, субоект учун нохуш бўлган факт ва ходисаларни сиқиб чиқариш тенденсияси.

11. Дистим - тушкун кайфиятнинг устунлиги, депрессияга мойиллик, ъаётнинг ьамгин ва қайьули томонларига берилиш.

12. Бекарор - атрофдагиларнинг таъсирига енгил берилиш мойиллиги, доим янги таосуротлар, давралар қидириш, юзаки характерга эга бўлган осонгина контакт ўрнатиб олиш.

13. Конформ - бошқаларнинг фикрларига хаддан ташқари боьлиқлик ва бўйсунганлик, танқидийлик ва ташаббускорликнинг етишмаслиги, консерватизмга мойиллик.

Характер акцентуацияси ўсмирлик даврининг ажралмас белгиси. ҳар бир ўсмир истисносиз ўзида шу хусусиятлардан бир ёки бир нечасини намоён қилади. Лекин кейинги босқичларда бу хусусиятлар силлиқланиб кетиши лозим. Фақат доимий таъсир қилувчи психоген вазиятлардагина бу хусусиятлар деструктив хулқ турларини намоён бўлишига олиб келиши мумкин қолиши мумкин. Характер акцентуацияси ўсмирларда тартиббузарликлар, яқин инсонлари билан кескин муомала, «кўча» ва турли тўдаларнинг таъсирига осон берилиши каби хусусиятларни шакллантириши мумкин. Оиладаги салбий, бешафқат муҳит, маълум турдаги ўсмирлардаги қўполлик, ёввойилик, совуқ муносабат каби иллатларни пайдо бўлишига замин яратади, улар атрофдагиларга нисбатан қарама-қарши руҳда ҳаракатланиб, тажовузкорона бузғунчилик си- фатларини намоён қилишади. Ўсмирлар хулқидаги деструктив хулқ кўринишларини келтириб чиқарувчи девиантликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мақсадида уларнинг нафақат ёш даври балки шахсий ижтимоий-психологик хусусият- ларини ўрганиш давомида улар юқоридаги хусусиятларига кўра, 3 гуруҳга бўлиниши маълум бўлади.

[ 9,24 ].

1] Шахснинг ижтимоий қобилиятларини намоён этиш хусусиятлари, шунингдек, ўзаро мулоқотга киришиш хоссалари;

2] Шахснинг гуруҳ ичидаги ўзаро муносабати ва гуруҳ учун умумий бўлган қадриятларни қабул қила олиши;

3] Шахснинг ижтимоий хулқ-атвори, атроф-воқеликка бўлган нуқтаи-назари билан боғлиқ бўлган умумий хусусиятлари.

Шу 3 гуруҳнинг ижтимоий-психологик хоссаларидан келиб чиққан ҳолда, девиант хулқли ўсмирларнинг баъзи бир ўзига хосликларини аниқлаш мумкин. Ижтимоий перцепция - гуруҳ ичида қабул қилинган ўзаро муомала меъёрлари ва хулқ-атвор мезонла- рини ўзлаштириш. Деструктив хулқли ўсмирлар гуруҳ ичидаги улар учун референт, яъни аҳамиятли ҳисобланган гуруҳ аъзоларининг муомала, хулқ-атвор, муносабат меъёрларини ўзлаштиришга мойил бўлади. Бироқ деструктив хулқли шахс структурасини ўз-ўзини йўқотиш қўрқуви, бировни яхши кўрмаслик, яккаланиш, маъносизлик, ожиз, ьазаб ва умидсизлик билан боғлиқ кечинмали психик холатлар ташкил қилади. Агар бундай шахс ўзига ўхшаган одамлар билан гурухга бирлашса ўз шахсий вазиятининг чидаб бўлмаслигини унутиши осон бўлади. Агар улар биргаликда жиноят содир қилишса, бундай жиноят одатда жамият вакилларига қаратилган бўладию

Ижтимоий хаёлот - ўзининг ҳаётий тажрибасига таяниб, шахсий ва умуминсоний қобилиятларга баҳо бера олиш. Ижтимоий ҳолат - девиант хулқли ўсмирларда жуда заиф ривож- ланган ёхуд умуман бўлмайди. Ижтимоий тафаккур - инсонларнинг ўзаро мулоқот ва ижтимоий муносабатлардаги боғликларига кўра тушуна билиш қобилияти. Бу қобилият ҳам заиф ривожлан- ган ўсмирларда кўпгина ҳолларда мавжуд эмас. Ижтимоий фаол- лик - девиант хулқли ўсмирлар ўз тенгдошлари томонидан бўлади- ган мақтовлардан манфаатдор бўлсаларгина ўзаро ёрдам кўрсатиб, жавобгарлик ҳиссини сезадилар

Ўсмирлар жиноятчилигини ўрганган психолог А.И.Долгованинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарлик қилишдан аввал ўсмирни хулқ-атворида меъёрдан кескин чекинишлар бўлиб ўтади. Муаллиф девиант хулқли ўсмирлар учун хос бўлган 2 тоифа меъёрий чекинишларни ажратиб кўрсатган: [ 25,11].

• зўрма-зўраки ва худбинона тоифадаги ўсмирлар ўзини кучли, ҳозиржавоб, тенгдошларига ёрдамга шай қилиб кўрсат- моқчи бўлади. Аммо бундай тоифа ўсмирларнинг ҳақиқат ҳақидаги хулосаси жиноятчи хулосадир. Улар

характерида худбинлик, золимлик, жисмоний кучга ишониш, ноанъанавий гуруҳларни ёқлаш каби элементлар усту- вордир. Худбинона тоифалар учун яккалик, худбинлик каби бу- зилган хусусиятлар хосдир. Барча ўсмирлар жиноятчилар умуминсоний қадриятларни, жамият фойдасига меҳнат қилишни, ижодий фаолиятни тушунмасликлари, қадрламасликлари билан характерланади. Уларнинг қизиқиши моддий бойлик тўплашга, «хоҳлаганидек яшашга», «соф виждон» принципларига йўналти- рилган. В.В.Королев ўсмир ёшидаги ҳуқуқбузарликнинг психоло- гик ҳолатларини ўрганиш давомида уларга хос бўлган қуйидаги ижтимоий-психологик хусусиятларни аниқлаган

- одоб-ахлоқ, намунали хулқ тажрибаларининг йўқлиги;
- дўстлик, севги, жасурлик каби ижтимоий қадриятларни қабул қилмаслиги, улар ҳақидаги тўпори тушунчалар;
- ўз-ўзини ўта паст ёки жуда юқори баҳолаш
- ҳуқуқий ва маънавий қадриятларни нотўғри тушуниш ва уларга тескари муносабатда бўлиш
- ташқи барча таъсирларга берилувчан бўлиш.

Е.В.Заика, Н.П.Крейдул, А.С.Ячина каби тадқиқотчилар ўсмир хулқидаги ҳуқуқбузарлик, меъёрдан чекиниш ҳолатларини ўрганишган. . Девиант ўсмирларни ўрганувчи психологларнинг илмий ишларида уларнинг умумий психологик ва ижтимоий хусусиятлари аниқланади. Д.И.Фельдштейннинг фикрича, девиант ўсмирлар ижтимоий суст, тажоввузкор, қизиққон, қўпол, «кўз ёш» тўкишга мойил бўлиб, кўплари алдоқчи, масъулиятсизлиги билан ажралиб туради. И.А.Семикашеванинг изланишлари бўйича бундай гуруҳ қатнашчилари ота-онага ўхшаш хислатларга эга бўлиб, алоҳида инсонларни эмас, ўзи мансуб гуруҳни ҳурмат қилади. Бундай ўсмирлар ўз характерларига масъулият сезмай, омма орасида ҳам- ма қатори ҳаракатланади. С.А.Кулаковнинг таъкидлашича, бундай хулқли ўсмирлар психотерапевтларнинг мижозидир, уларга аниқ диагностика қўйилмагандиру, аммо уларнинг кўпгина хислатлари меъёрий жиҳатдан бузилган. Аффектив

соҳада - бу ҳиссий бўшан- глик депрессия ва ҳаяжонга тез берилишдир. Маънони талаб қилиш соҳасида эркинлик, ҳимояланганликка бўлган эҳтиёжини ёпиб қўйилиши, референт гуруҳига хос бўлиши, когнитив соҳада хулоса қилишни рад этиш кузатилади. Н.Ю.Максимованинг тадқиқотларидан шу нарса аниқландики, оғир тарбияли ўсмирларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларида салбий ҳолатларга олиб келувчи қуйидаги ички сабаблар ҳам бор экан, жумладан: синфдошлар билан мулоқотнинг қийин олиб борилиши, хулқ-атвор меъёрларининг шаклланмаганлиги, ижтимоий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидаларининг қадрини тушунмаслиги, ин- кор этиш, ўзи атроф оламни бирбутун деб тасаввур этаолмаслиги, педагогларнинг талаб ва таклифларини инобатга олмаслик, ўз-ўзига ўта баланд баҳо бериш, ота-она, ўқитувчи билан келишмаслик оқи- батида ижтимоий тўғри ривожланмаслик. А.Е.Личконинг айтишича, ўсмирларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари шу ёш учун хос бўлган қуйидаги хоссалар билан боғлиқ:

1.Тенгдошлари билан биргаликда гуруҳларга ажралиш. Вақт ўтган сари ўзларига зарар бўлувчи можаро ва саргузаштларга ўралашиб қолишлари. Ачинарлиси, бекорчи ўсмирлар бўш қолиб, кайфиятни кўтариш учун спиртли ичимликларни истеъмол қили- ши. Ўсмирлар баъзилари қизиқувчанликдан «катталардек бўлиш», бошқалари эса қолганларидан қолиб кетмаслиги учун ҳам ичишга рўжу қўядилар. Улар нафақат ўғил болалар, балки қизлар ҳам бўладилар

2. Имитация [ ўхшатиш] бу доимо кимгадир тақлид қилишдир. Бундай ўсмирлар ўз тенгдошлари ёхуд катталарнинг хатти-ҳара- катини такрорлайдилар. Атрофдагилардан бирортаси спиртли ичимлик, гиёҳванд модда истеъмол қилса, унга тақлид қилувчилар кўпаяди. Кўпгина ўсмирлар ўзига “намуна” қилиб кино қаҳрамонини, актёрлар, созандаларни танлайдилар ва уларга тақлид қиладилар. Агарда тақлид қилинаётган қаҳрамон салбий қаҳрамон бўлса, унда ота-она ва педагоглар турли нохушликларга тайёр туришлари даркор. Айниқса, “намуна” учун танланган инсон реал шахс бўлса-ю, у ички- ликбоз, гиёҳванд, жиноятчи бўлса, ундан жуда катта кулфатларни

кутиш мумкин, чунончи, кўпгина гиёҳвандлар, катта пул кераклиги- дан турли жиноятларга ўралашиб қолишади.

3. Инкор реакцияси[ қарама-қарши туйғу]. Ўсмирлар учун хос бўлган туйғу. Хулқнинг қарама-қарши хусусиятлари яқинла- рининг дилсиёҳлиги, шахсиятни хафа қилиши, талабларнинг ба- жарилишида намоён бўлади. Қарама-қарши руҳдаги ҳаракатлар кўпинча ота-она, катталарга қаратилган бўлади. Оилада муаммоли вазият юзага келганда, боланинг ички ва ташқи “мени” кичик ёки бўрттирилган ҳуқуқбузарликлар билан намоён бўлади. Бундай ис- ёнкорлик руҳидаги ҳаракатларга ота-оналарнинг болага нисбатан лоқайдлиги, шахс сифатида уни ҳурмат қилмаслиги, қизиқишлари- га тўсқинлик қилиши сабаб бўлади. Ота-онанинг боласига қўйган ўта юқори талаблари, уни “вундеркинд” – ўта юқори чўққиларни эгалловчи шахс қилишдек орзулари ҳам сабаби бўлади.

Душман- лик ҳиссини беркитиб, ўсмир катталарга бўлган норозилик, хафа- лигини, ундан руҳан бегонасирашини намоён қилади. У ўзига дўстларни ташқаридан излай бошлайди ва кўпинча ичувчи, че- кувчи тўдага кириб қолади.

4. Ривожланиш туйғуси[ эмансипация] - ўсмирнинг ўз эркин- лиги, мустақиллиги учун кураши. У катталар назоратидан тезроқ озод бўлишни хоҳлайди. Уни қанча назорат қилишса, у шунча эр- кинликка талпинади. Катталарга у атайлаб мустақил ҳаракатларини намоён қилади. Ота-она ёхуд ўқитувчи унга бирон ҳаракатни маж- бурий сингдирмаса, балки у ўзи ҳам ихтиёрий равишда шу ҳаракат- ни бажарган бўлар эди. Бу ўсмирнинг қайсарлиги билан боғлиқ. Руҳан соғлом ўсмирлардан ўта қайсарлик хислатлари вақти билан ўтади. Агарда катталар ўта шафқатсизлик ва сўзсиз бўйсунишни сўрашса, унда ўсмирлар ўта кескин характер намоён қиладилар. Энг хавотирга соладигани шуки, ўсмирларнинг хатти-ҳаракати бундай ҳолатларда уйдан қочиш ва дайдичилик билан тугалланади.

5. Рад этиш туйғуси - бу ўйинларга, овқат ейишга, уй ишлари, жамоат ишларига қўшилишини инкор этиш туйғуси. Бундай воқеликда ота-оналар

ўсмирларнинг баъзиларига маълум бир тенг- дошлари билан мулоқот қилишни рад этадилар. Ота-она ўз фар- зандини ичувчи, чекувчи тенгдошларидан ҳимоя қилиш мақсадида бошқа мактабга, бошқа ҳудудга кўчиришга ҳам мажбур бўлади, натижада ўсмир ўз ота-онасини тенгдошларидан ажратганлигида айблаб, улардан аразлайди

Э.Фроммнинг таъкидлашича, эркинлик ва хавфсизлик ўртасидаги катта фарқ инсон ҳаётидаги барча қийинчиликларнинг сабаби бўлди. Одамлар озодлик учун курашадилар, лекин шу курашнинг ўзи инсоннинг табиат ва жамиятдан бегоналашувига олиб келади. Ёлғизлик, аҳамиятсизлик ва бегоналашув ҳисларини енгиб ўтиш ва бу кураш орқали озодликка эришиш учун инсон қуйидаги йўллардан бирини танлайди:

Биинчи йўл — озодликдан воз кечиш ва ўз индивидуаллигини босиш. Э.Фромм «Ўз озодлигидан қочаётган» одам бир нечта стратегиядан фойдаланиши мумкин деб айтади. Улардан биринчиси — авторитаризм — ўзини ким биландир ёки нима биландир қиёслашга бўлган интилиш ва бу орқали йўқолган индивидуал «Мен»ни топишга ва куч қудратга эга бўлиш. Авторитаризм садистик тенденцияларда кўриниши мумкин. Бу типга мансуб одамларда Садомазохизм характер белгилари намоён бўлади, улар ўз ҳаётий талофати сабабларини бартараф этиш мақсадида, ўз агрессиясини, унинг назарида, барча кўнгилсизликлар айбдори бўлган шахсга йўналтиради.

Иккинчи йўли — деструктивлик. «Деструктив» характер хислатларига эга ўсмир ўзидаги кемтиклик ҳиссини енгиб ўтишга интилади. Э.Фроммнинг таъкидлашича, «Деструктивлик — зўриққан кучсизлик ҳиссидан қутулиш воситасидир». Одатда, ваҳимага берилувчи ва ўзини кучсиз ҳис этувчи, ўз интеллектуал салоҳиятини амалга оширолмаган одамлар бузғунчилик орқали ўз муаммоларини ҳал қиладилар. Ижтимоий тўнтаришлар ва қўзғолонлар пайтида бундай инсонлар асосий куч сифатида майдонга чиқишади ва мавжуд тартибни бузиб, шу жумладан маданиятни ҳам бузиш орқали ўз қобилиятини намоён қиладилар. [ 34 ].

## 2.2 Ўсмирлик даврида девиант хулқ-атворнинг деструктивликни келтириб чиқарувчи психологик хусусиятлари.

Жамиятдаги мавжуд ижтимоий меъёрларнинг бузилишига Девиант хулқ-атвор дейилади. Ижтимоий меъёрларнинг ҳар бир ўзгаришида жамият фикри кескин ўзгаради: янги қарашлар ва хулқ атвор шаклларининг тарафдорлари ва унга қарши турувчилар пайдо бўлади, ўз таъсирини йўқотаётган меъёр ўрнига янги меъёр пайдо бўлади. Девиант хулқ-атвор икки хил даражада ўрганилади: индивидуал ва оммавий. Индивидуал даражада маълум бир кишининг аниқ бир хулқ-атвори, оммавий даражада шу турдаги ходисалар мажмуи, ижтимоий меъёрларнинг бузилишлари тизими ъақида сўз боради. Девиант хулқ-атвор холати ва даражаси турли мамлакатлар, регионлар ва худудларда турлича бўлади.

Девиант хулқ-атворнинг конкрет турлари: жиноятчилик, ичкиликбозлик, ўз-ўзини ўлдириш, гиёъвандлик ва хоказолар. Доимий оилавий келишмовчиликлар, оила ва атроф-муъитдан норозилик, ўқишдаги, дўстлар орасидаги тушунмовчиликлар ўсмир рухиятини жароъатлайди, ёки шу йўл билан мавжуд вазиятни ўзгартиришга ундайди. . Девиант хулқ-атворнинг механизмини тўртта асосий бўғини ташкил этади: [4,14 ].

- муаммовий [ зиддиятли] шароит,
- қадриятли меъёрий бошқарув,
-қарор қабул қилиш,
- холатни амалга ошириш.

Девиант хулқ атворнинг оммавий - индивидуал даражаларида психологик ўз-ўзини химоя қилишнинг қуйидаги усуллари мавжуд: [ 21, 28,30].

1. Жавобгарликка тортиш сабабларини инкор этиш.
2. Келтирилган зарарни инкор этиш.
3. Айбловчиларни айблаш.

Девиант хулқ-атворнинг кўринишлари қуйидагича белгиланади.

- криминал хусусиятлар аста-секин йиғилиб шахсда аълоҳида оғир салбий жиҳатларни йиғилишига олиб келади;

- махсус ҳолат ва фаолиятларнинг тўғри келиш омиллари, тўғирланиш ўтказиш ва ўзаро криминал сифатлар унинг ривожланиши ва "Тўғрилаш" ва ўзаро криминал сифатлар уларнинг ривожланиши ва қайд қилиниши;

- таълим шароитларининг таъсири ва криминал хусусиятларниг йиғилиши ўсмирлар ривожланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Очиқ ойдин савол пайдо бўлади, ўсмирларда хулқ-атворга тегишли муносабатларни қуриш орқали жамият меъёрларида қарама-қаршиликка дуч келинади. Ўсмирнинг мантиқсиз режасиз, юқори даражада тафаккурсиз ривожланиши ўсмирга девиант хулқ бўлишини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Девиант тип ўсмирларда ўзига хос хусусият бу ўзини ўрнини оламга маълум қилиш дунё унга қараб боқишини истайдилар бу эса девиантликнинг маҳфий типи. Улар ўзларини яхши деб ҳисоблашадилар ҳар қандай номақбул ҳаракатларга нисбатан салбий муносабатда бўладилар. Уларни айтиш мумкин бўлса, аросатда қолган одам дейишимиз ҳам мумкин. Девиант хулқ-атвор типдагиларда ҳам виждон, ўз-ўзини назорат қилиш, ҳиссиёт ва сезиш каби ҳислатлар бор. Улар ҳам ўзларини ҳамма каби ҳис қиладилар лекин ижтимоий эмас балки руҳий меъёрларга риоя қиладилар. Улар нормал ўсмирладан тафаккур жиҳатдан паст бўладилар. Асаб тизимида турли бузилишлар бунда ўсмирлар девиантлигини қўзғатиши мумкин: ҳиссиёт, конфликт, агрессия, беқарорлик ва бошқалар. Қочишларнинг келиб чиқиши: етарли назора қилмасликдан, оиланинг ўта талабчанлиги, яқинларни етарли эътибор бермаганлигидан, ўртоқлар тамонидан шавқатсиз муомала қилганлигидан ва ҳоказолар.

- Эрта ичкиликбозлик ва нашавандлик. Ичкиликбозлик ва нашавандликни ярими ўсмирлик даврида бошланади. Бу даврда ўсмирни давраларда бўлиши қизиқтиради ва ўзини катта одам деб ҳис қилади, руҳий ҳолатини ўзгартиргиси келади. Шу билан бирга ўсмир ичкиликка ва нашабандликка ўзи билмаган ҳолда берилиб кетади.

- Ўсмирни онги жинсий алоқа ҳақида тушунчаси етарли даражада эмас. Ҳали жинсий индентификацияси охирига етмаган. Шунинг учун ўсмир жинсий

алоқага берилиши мумкин. Бир ҳил ўсмирлар визиантизм билан қониқадилар. Яъни ўзини ечинган ҳолда тамоша қилади ёки ечинганларни кузатади.

- Бу ҳол ўсмирни ўсиши билан аста-секин йўқолади. Лекин шароити йўқ ҳолатларда, бу одат бўлиб қолади. Агарда нормал жинсий алоқа бўлмаса, бу ҳолат давом этади.

- Ўсмирларни гомосексуализми, одатда ёпиқ ўқув масканларида, бир хил тоифадаги жинс билан алоқа бўлишини кўрсатади. Бу зўрлаш билан, ўғил ўсмирлар орасида кўпроқ учрайди.

- Девиант ҳулқи оҳиригача ўрганилмаган. Бу ҳулқ оғир ҳатоларга олиб келади. Фақат руҳий факторлар эмас, балки ижтимоий ва авлодларни бир-бирига мойиллиги, катта аҳамиятга эга.

- Чарлз Кули концепцияси бўйича ўсмирни ёшлигида меҳр-муҳаббат, ҳурмат, меҳнат, атрофдагиларга ачиниш, раҳими келиш, ҳамдардлик билдириш ҳисларини уйғотиш керак.

Скиннер фикри бўйича, ёмон ишларни келиб чиқишини олдини олиш, бу ижобий ва фойдалий услубларни топиш демакдир.

Ўсмирни турмуш шароити. [ жисмоний ва руҳий камчиликлари, етимлик ва ҳоказо] Кўпчилик ҳолатларда ўсмир ўз "шахс" структурасини бошқа муҳитда топмоқчи бўлади. Атрофдагиларни насиҳатлари уни баттар жаҳлини чиқаради, ўзларини ўта "билимли" қилиб кўрсатиб, эътиборини жалб қилади. Озғин, паст бўйлик ўғил ўсмирлар, ривожланишида орқада қолган ўсмирлалр, атрофдагиларга кичкина, мослашмаган бўлиб кўринади. Ва шу муҳтожликни сезган ҳолда, ҳимояда агрессивликни намоён қилади. Бундай ҳулқ ўз-ўзига ишонмаслик, атрофдагиларга шафқатсизларча муомала қилишга олиб келади.

Бундай муаммолар ўсмирни ривожланишига салбий таъсир қилади. Ўсиб келаётган организм ташқи тушунмовчиликлар билан атроф муҳитни ҳар ҳил ҳис этади. -Девиант типдаги ўсмирлар ўз атрофларидаги нормал типдагилар билан муносабабатларда уларга салбий таъсир қилишадилар.

Бу йўналишда Г.Г.Бочкарёва қуйидаги ҳулосаларга келади:ўсмирларда юксак талаблар суст ифодаланган. Ҳуқуқбузарлар ўз эҳтиёжини қониқтириш

билан чегараланган. Шунинг учун ҳуқуқбузарларнинг этика томонидан ривожланиши камбағаллик ва унинг руҳий талаблар билан боғланган. Г.Г.Бочкарёва шуни таъкидлайдики, ўсмир “Биртиплик” эмас. Яъний бир хил ўсмирлар ўзини ўтмишидан гап чиқганда уялади. Бу мавзу уларга ёқимсиз бўлиб, қилмишлари учун айбдорлигини ҳис қилади. Бошқалар эса, ўтмишларини уялмай тортинмай гапириб ўтиришади. Виждони қийналган ўсмирлар, пушаймон ейдилар ва бу йўлга бошқа кирмасликка ҳаракат қиладилар. [ 23 ].

Шунинг учун ҳуқуқбузарларни 3 та гуруҳга ажратади:

1. “Пушаймон” қилганлар бошқа бу ишларни қилмасликка сўз берадилар. [ масалан, ўғрилик мумкин эмас] Ўсмирларнинг 55% иккинчи маротаба такрорламайман”, “Ўғрилаш ёмон иллат”, “пулни ҳалол йўл билан топиш керак” деган жавоблари, аҳлоқий ҳарактерини кўрсатади. Ўсмир бу ҳолатга билмаган ҳолда ёкий ичиб, мастлигида қилганлигини, пушаймон бўлиб изоҳлайди.

Иккинчи гуруҳга шундай ўсмирлар кирадики, қилган ишларига пушаймон қилса ҳам, иродаси етмай иккинчи марттта шу ишни такрорлашга қодирлар.

Учинчи гуруҳга шундай ўсмирлар кирадики, қанчалик оғир бўлмасин, ўтмиш билан онгли равишда ҳайрлашадилар.

2. “Конфликтсиз” уларни виждони қийналмайди. Жиноят қилиб, жазодан қўрқишади. Жиноят очилмаса ҳурсанд бўлишади. Уларнинг фикрича ақил билан ўғрилик қилиш керак, қўлга тушмаслик учун. “Ўғриликни қилиш мумкин агар гувоҳлар бўлмаса”. Фақат ўзинг билсанг бошқалар бу ҳақида билмасалар, агар даромад келса. Шу бойликда ҳеч бўлмаса бир неча кун яшасам деган иборалар бу тоифага мансуб.

